2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 188 (977), 2023 йил 15 сентябрь, жума

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

## МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ УЗОҚ ИСТИҚБОЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 14 сентябрь куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**





Аэропортда давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Президентининг Душанбега ташрифи Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашувдан бошланди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражадаги келишувлар ижросининг амалий жиҳатларига, энг аввало, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш ва маданий-гуманитар алмашинув дастурини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада қўшма Ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият олиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда давлат раҳбарлари Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммити кун тартибига киритилган масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Минтақавий ҳамкорликнинг бошқа жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган саммитда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, фахрий меҳмон сифатида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ҳамда БМТ Бош котибининг махсус вакили — Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Каха Имнадзе ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, минтақада кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш, хавфсизлик соҳасидаги замонавий таҳдид ва хатарларга қарши чора кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан қутлайман.

Авваламбор, анъанавий илиқ қабул ва тадбирни юксак даражада ташкил этгани учун Тожикистон Республикаси Президенти ҳурматли Эмомали Шарипович Раҳмон номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Бугунги учрашувимизда Озарбайжон Республикаси Президенти ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевни кўриб турганимдан хурсандман. Сизнинг иштирокингиз минтақа мамлакатларининг Озарбайжон билан чуқур тарихий боғлиқлиги ва ҳамкорликнинг ҳозирги юксак даражасининг яна бир тасдиғидир.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юқори мартабали вакили Каха Имнадзе жанобларини ҳам қутлайман. У бошқараётган Минтақавий превентив дипломатия маркази Марказий Осиёда кўп қиррали шерикликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётганини қайд этмоқчиман.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги бешинчи Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши ва унда илгари сурилаётган ташаббуслар бизнинг ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шерикчиликка асосланган муносабатларимизни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кучайтириш йўлидаги интилишларимизни намоён этмоқда.

Умумий саъй-ҳаракатларимиз туфайли ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш ва ҳамкорлигимизни сифат жиҳатидан янги мазмун билан тўлдириш борасида жиддий олдинга силжишга эришдик.

Бизнинг сиёсий мулоқотларимиз ва парламентлараро алмашувлар доимий тус олмоқда. Мулоқот ва ҳамкорлик учун турли платформалар ишга туширилди.

Шу кунларда Душанбеда анъанага айланган етакчи аёллар, ректорлар, олимлар, ёшлар учрашувлари, иқтисодий форум ва кўргазмалар, бир қатор маданий-гуманитар тадбирлар муваффақиятли ўтмоқда.

**Энг асосийси — Марказий Осиёда барқарорлик ва бирдамлик мустаҳкамланмоқда. Бизнинг минтақамиз иқтисодий ўсиш ва инвестицион фаоллик марказларидан бирига айланмоқда, Ғарбни Шарқ ва Шимолни Жануб билан боғлайдиган транспорт хаби бўлишдек тарихий вазифани яна ўз зиммасига олмоқда.**

Сўнгги йилларда минтақа мамлакатларининг умумий ички маҳсулоти 40 фоизга кўпайди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо ҳажмининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Масалан, товар айланмаси 2,5 баробардан зиёд ошди. Ўзаро инвестициялар ҳажми қарийб 6 марта, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими эса 45 фоизга ўсди. Бундан ташқари, ички минтақавий туризм кўрсаткичлари 2 баробар ошди.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Минтақа мамлакатлари фаолиятининг халқаро майдонда яқиндан мувофиқлаштирилгани умумий саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Бугун биз глобал ва минтақавий сиёсат кун тартибидаги кўплаб долзарб масалалар бўйича ягона позицияда туриб ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг мамлакатларимиз 2017 йилдан буён Марказий Осиёдаги тараққиёт ва шерикликнинг муҳим масалаларига оид Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 8 та резолюциясини қабул қилиш юзасидан ташаббусларни илгари суришди.

Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда ва кенг эътироф этилмоқда. “Марказий Осиё плюс” форматида қарийб 10 дан ортиқ ҳамкорлик мулоқоти таъсис этилгани буни тасдиқлайди. Ана шу мулоқотлар доирасида ташқи ишлар вазирлари даражасида бизнинг биргаликдаги ҳаракатимиз бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги кунда бизнинг барча мамлакатларимиз дунёда кузатилаётган геосиёсий рақобат ва зиддиятларнинг оқибатларини тўлиқ ҳис этмоқда. Бу ўринда савдо ва транспорт-логистика занжирларининг узилиши, инвестиция ва технологиялардан фойдаланиш борасидаги чекловлар, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича муаммоларнинг кескинлашуви ҳақида сўз бормоқда.

Иқлим ўзгаришлари алоҳида хавотир уйғотмоқда.

Ана шундай хавф-хатарларга самарали қарши туриш имконияти кўп қиррали шерикликни чуқурлаштиришга қаратилган қўшма саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга боғлиқ.

Шу муносабат билан ҳамкорлигимиз истиқболлари бўйича қатор таклифларни билдирмоқчиман.

**Биринчи. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик** минтақавий шериклик ва интеграциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Биз ушбу йўналишда минтақа мамлакатлари билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун Ўзбекистонда барча зарур шарт-шароитларни яратмоқдамиз.

Товар айланмаси ҳажмини ошириш мақсадида истисно ва чекловларсиз тўлақонли эркин савдо зоналарини тезроқ шакллантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан, минтақада барқарор савдо-логистика занжирларини шакллантириш, чегараолди ҳудудларида савдо ва кооперация марказларини очиш ва кенгайтириш, ўзаро савдо бўйича қонунчиликни уйғунлаштириш ва бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш, божхона маъмурчилиги, санитар ва фитосанитар назорати, товарларнинг қаердан олиб келинаётганини сертификатлаш бўйича ягона электрон платформалар яратиш, минтақавий электрон савдо майдонини ишга туширишни кўзда тутадиган комплекс минтақавий дастурни қабул қилишни таклиф этамиз.

Давоми 2-бетда

БИЗ ВА ДУНЁ



ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДА ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ 4

НУҚТАИ НАЗАР



ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИ истиқболни таъминлашнинг асосий шартидир 5

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Муҳтарам отахон ва онахонлар!

Азиз опа-сингиллар!

Қадрли ёшлар!

Ҳурматли юртдошлар!

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар қатори ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, тизим фаолиятини мутлақо янги, замонавий босқичга кўтариш, соҳа ходимларининг аҳоли турли қатламлари билан доимий мулоқоти ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ички ишлар органларини, ушбу тизимда хизмат қилаётган ҳар бир ходим жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартибини сақлаш йўлида чин дилдан хизмат қиладиган халқчил профессионал тузилмага айлантиришдан иборат.

Янги Ўзбекистонда **“Инсон қадри учун”** эзгу ғояси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Инсон қадри улуғланаётган ана шундай тарихий шароитда қишлоқ, овул ва маҳаллаларимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида барчамизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифалар янада ортиб бормоқда.

Ички ишлар органларини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида жиноятчиликка қарши курашиш, ижтимоий хавфли қилмишларни фош этиш ва барвақт олдини олиш борасидаги ёндашувлар тубдан ўзгартирилди.

Бугунги кунда ички ишлар тизимидаги ҳар бир раҳбар ва ходимнинг кундалик хизмат фаолиятида рақам ва фоизлар ортидан қувиш эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифага айланмоқда.

Давоми 3-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ташқи савдо фаолияти бўйича масъул бўлган вазирларнинг доимий учрашувини ўтказиш механизмини ишга туширишни таклиф қиламиз.

**Иккинчи. Саноат кооперациясини ривожлантириш.**

Бизда бу соҳада муваффақиятли шериклик бўйича тажриба бор. Бу — енгил автомобиллар, маиший техника, тўқимачилик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва шунингдек, Озарбайжон билан чегараолди ҳудудлари кооперациясидир.

Учинчи давлатларга экспорт қилишни кўзлаган ҳолда минерал ўғитлар, полимерлар, металлдан тайёр буюмлар, тайёр тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича истиқболли йўналишлар бўлиши мумкин.

Бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз тизимли тус олиши учун Марказий Осиё мамлакатларининг узоқ истиқболга мўлжалланган саноат кооперациясини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

**Учинчи. Бу — транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликдир.**

Асосий ташқи бозорлардан жўғрофий жиҳатдан узоқлигини ҳисобга олганда, бизнинг мамлакатларимизда юкларни ташиш учун кетадиган харажатлар улуши товарларнинг сўнгги қийматига нисбатан 50 фоизгача етмоқда.

Айни вақтда дунёдаги ўртача кўрсаткич 11 фоиздан ошмайди. Натижада бизларнинг иқтисодиётимиз ривожланган давлатлардагидан кўра 2-3 марта кўп транспорт харажатини кўтаришга мажбур бўлмоқда.

Мамлакатларимизнинг транспорт соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш мақсадида тармоқ вазирлари учрашувлари доирасида Марказий Осиёда Транспорт ва транзит ҳақидаги битимни ишлаб чиқиш, бизнес учун қулай бўлган оралиқ тарифларни қўллаган ҳолда, Хитой, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига чиқиш учун самарали транспорт коридорларини ривожлантириш бўйича аниқ механизмларни шакллантириш, Транспорт хизматлари бозорини либераллаштириш ва рухсат этишга доир тартиб-таомилларни оптималлаштириш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш, Халқаро ташувларнинг интеграциялашган рақамли платформасини яратиш имкониятлари мавжуд, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг биргаликдаги фаолиятимизга озарбайжонлик шерикларни фаол жалб этишни таклиф қиламан.

**Тўртинчи. Энергетика соҳасида хавфсизликни таъминлаш.**

Афсуски, минтақада энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш суръатлари саноатлаштириш ва урбанизация жараёнлари, шунингдек, демографик ўсишдан орқада қолмоқда. Бугунги кунда бу мамлакатларимизнинг узоқ муддатли барқарор ривожланиши йўлидаги жиддий таҳдиддир.

Биз бундай шароитда тармоқ вазирликлари ва миллий компанияларимизнинг геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли конларни ўзлаштириш, энергия ресурсларини сақлаш ва етказиб бериш бўйича мавжуд инфратузилмаларни кенгайтириш ва замонавий инфратузилмаларни яратиш соҳасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш тарафдоримиз.

Бундан ташқари, электр энергиясини етказиб бериш учун янги магистрал тармоқларни барпо этиш ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишига айланиши лозим.

Бизнинг минтақамиз, шунингдек, гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Биз Тожикистонда Зарафшон дарёсида ГЭС қуриш лойиҳасини биргаликда ишлаб чиқмоқдамиз, Қирғизистонда Қамбарота ГЭС-1 лойиҳасини амалга ошириш масаласини фаол ҳал этмоқдамиз.

Шу билан бирга, энергия манбаларини диверсификация қилмасдан, муқобил энергетика соҳасига инвестиция ва технологияларни жалб этмасдан ва “яшил” водородни ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан туриб, минтақани барқарор ривожлантириш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

**Бешинчи. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш.**

Биз яқинда Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти шафеълигида дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан келган вазир ва экспертлар иштирокида халқаро конференция ўтказдик. Бўлиб ўтган баҳс-мунозаралар давомида бизнинг минтақамиздаги заиф нуқталар яна бир бор қайд этиб ўтилди.

Булар — аграр секторнинг илмий-технологик жиҳатдан етарлича ривожланмагани, сув ресурслари борасидаги ўткир тақчиллик, қўшимча қиймат яратишнинг узоқ ва самарасиз занжирлари, иқлим инқирози ва логистикадаги узилишлар олдидаги беқарорлик, соғлом овқатланиш масалаларидир.

Бу соҳада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўмагида минтақавий Шериклик дастурини тайёрлаш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаб айтмоқчиманки, бизнинг мамлакатларимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан нафақат минтақанинг ички бозоридаги мавжуд эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш, балки уларни экспорт қилишдек муҳим имкониятга ҳам эгадир.

**Олтинчи. Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш** минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим омилига айланмоқда.

Шу муносабат билан, келгуси йил баҳор фаслида Самарқандда Марказий Осиёдаги иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро форум ўтказмоқчимиз. Минтақа мамлакатлари делегацияларини ушбу анжуман ишида фаол иштирок этиш учун таклиф қиламан.

Форум якунлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” деб номланган резолюцияси лойиҳаси тайёрланади.

Шунингдек, Иқлим ўзгаришларига мослашиш масалалари бўйича минтақавий стратегияни қабул қилиш ҳам иқлим барқарорлигини ва “яшил” тараққиётни таъминлашга қўшилган амалий ҳисса бўлиши мумкин.

Минтақанинг иқлимга оид ягона кун тартибини шакллантириш ва биргаликда таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш учун биз экология вазирлари даражасида “Иқлим бўйича Марказий Осиё мулоқоти” кўп томонлама платформасини таъсис этишни таклиф қиламиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Умумий тарих, урф-одат, маданият ва қадриятларга — Марказий Осиёнинг ноёб цивилизацияси муштараклиги ва ранг-баранглигига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик бизнинг энг муҳим анъанавий устувор йўналишимиздир.

Биргаликдаги маданият, санъат ва кино кунлари, “дўстлик кечалари”, ёшлар форумлари, ижодкор зиёлиларнинг учрашувлари, илмий симпозиум ва спорт мусобақаларини ўтказиш эзгу анъанага айланиши лозим. Ушбу йўналишдаги ишларнинг тизимлилигини таъминлаш мақсадида Марказий Осиё мамлакатларининг маданий-гуманитар ҳамкорлигини чуқурлаштириш бўйича Ҳаракатлар режасини қабул қилишни таклиф этамиз.

Айни вақтда бизнинг ноёб маданий-тарихий ва маънавий меросимизни халқаро майдонда кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари ва ноҳукумат ташкилотлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фаол фойдаланиш зарур. “Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак” халқаро медиа платформасини яратиш бу йўналишдаги амалий қадам бўлади. Бунда умумий минтақавий контентни шакллантириш учун олимлар ва кенг жамоатчилик вакилларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Буларнинг барчаси бир-бирини ўзаро тушуниш ва умумминтақавий ўзига хосликни англаш туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳурмат саммит иштирокчилари!

Ҳеч шубҳасиз, бизнинг келажагимиз — бу бизнинг ёшларимиздир. Шу маънода, бугун имзоланадиган Марказий Осиё давлатлари ёшлар сиёсатининг умумий йўналишлари тўғрисидаги битим алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ёшларнинг билим ва малакасини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш, уларни етук малакали кадрлар қилиб тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида шу йўналишдаги халқаро ташкилотлар иштирокида Марказий Осиё ёшлари имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш марказини ташкил этишни таклиф этамиз.

Шунингдек, мамлакатларимиздаги истеъдодли ёшлар учун илм-фан ва таълим соҳасида Ал-Хоразмий, Форобий, Жомий, Махтумқули, Чингиз Айтматов каби Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар, аллома ва файласуфлар номидаги минтақавий грант ва стипендиялар таъсис этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ёш авлодни экстремистик ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида ёшларнинг радикаллашувига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Минтақавий комплекс дастур ишлаб чиқиш зарур, деб биламиз.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришни фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Умумий таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича жамоавий қарорлар ишлаб чиқиш учун биз доимий равишда ва ўзаро ишонч асосида фикр алмашиб туришимиз лозим.

Шу муносабат билан хавфсизлик масалалари бўйича давлатларимизнинг Хавфсизлик кенгашлари котиблари томонидан мувофиқлаштириб бориладиган мунтазам йиғилишларни ўтказиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз.

Марказий Осиё мамлакатлари чегараларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича Давлатлараро дастурни ишлаб чиқишга киришишни таклиф этамиз.

Хавфсизликка нисбатан анъанавий ва янги хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги сценарийларни амалда қўллаш бўйича қўшма ҳарбий-ўқув машқларини давом эттириш муҳимдир.

Фавқулодда вазиятлар юзасидан прогнозлар қилиш, уларнинг олдини олиш, барвақт огоҳлантириш ва уларга биргаликда қарши туриш борасида Минтақавий тизимни шакллантириш бугунги кун талаби, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка бевосита таъсир кўрсатадиган энг асосий омиллардан бири Афғонистондаги вазиятдир.

Афғонистоннинг бугунги ҳокимияти билан доимий ва очиқ мулоқот, ушбу мамлакатни минтақадаги иқтисодий жараёнларга интеграция қилиш ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон бундан буён ҳам афғон халқига зарур ёрдам кўрсатади, шу мақсадда Термиздаги халқаро хабни гуманитар кўмак учун тақдим этади, афғон фуқароларини махсус ташкил этилган таълим марказида ўқитишни давом эттиради.

Трансафғон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини илгари суриш билан бирга, Афғонистоннинг ички транспорт йўлларини тиклаш ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, афғон томони билан чегаралар хавфсизлиги, сувдан фойдаланиш ва савдо-сотиқни ривожлантириш масалалари бўйича мулоқот муҳимдир.

Афғонистон ҳокимияти билан ҳамкорлик бизнинг манфаатларимизни умумий тушунишдан келиб чиқиши ва ўзаро келишилган ҳолда бўлиши зарур. Бунинг учун Марказий Осиё мамлакатларининг Афғонистон бўйича махсус вакиллари даражасида Мулоқот гуруҳини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бизнинг учрашувларимиз ва эришган келишувларимизни амалда жорий этиш самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Маслаҳат учрашувлари ишлари бўйича Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашини таъсис этиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз.

Бундан ташқари, кун тартибидаги савдо-иқтисодий масалаларининг бутун комплекси бўйича амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун Марказий Осиё давлатлари иқтисодий кенгашини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Сўзимнинг якунида бугунги учрашувимиз натижалари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга, кенг миқёсдаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонч билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ УЗОҚ ИСТИҚБОЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқида минтақа мамлакатлари ўртасида ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги умумий саъй-ҳаракатларни юксак баҳолади.

— Умумий саъй-ҳаракатларимиз туфайли ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш ва ҳамкорлигимизни сифат жиҳатидан янги мазмун билан тўлдириш борасида жиддий олдинга силжишга эришдик. Бизнинг сиёсий мулоқотларимиз ва парламентлараро алмашувлар доимий тус олмоқда. Мулоқот ва ҳамкорлик учун турли платформалар ишга туширилди, — деди давлатимиз раҳбари.

Марказий Осиёда барқарорлик ва бирдамлик мустаҳкамланаётгани асосий натижа сифатида қайд этилди. Минтақамиз иқтисодий ўсиш ва инвестицион фаоллик марказларидан бирига айланмоқда, Ғарбни Шарқ ва Шимолни Жануб билан боғлайдиган транспорт хаби бўлишдек тарихий вазифани яна ўз зиммасига олмоқда.

Глобал жараёнларнинг минтақанинг барқарор ривожланишига таъсири чуқур таҳлил қилиниб, бундай хавф-хатарларга самарали қарши туриш имконияти кўп қиррали шерикликни чуқурлаштиришга қаратилган қўшма саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга боғлиқлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги истиқболлари бўйича қатор таклифларни билдирди.

— Савдо-иқтисодий ҳамкорлик минтақавий шериклик ва интеграциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Биз ушбу йўналишда минтақа мамлакатлари билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун Ўзбекистонда барча зарур шарт-шароитларни яратмоқдамиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Товар айланмаси ҳажмини ошириш мақсадида истисно ва чекловларсиз тўлақонли эркин савдо зоналарини тезроқ шакллантириш таклиф қилинди.

Шу муносабат билан минтақада барқарор савдо-логистика занжирларини шакллантириш, чегараолди ҳудудларида савдо ва кооперация марказларини очиш ва кенгайтириш, ўзаро савдо бўйича қонунчиликни уйғунлаштириш ва бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш, божхона маъмурчилиги, санитар ва фитосанитар назорати, товарларнинг қаердан олиб келинаётганини сертификатлаш бўйича ягона электрон платформалар яратиш, минтақавий электрон савдо майдонини ишга туширишни кўзда тутадиган комплекс минтақавий дастурни қабул қилиш зарур.

Минтақа мамлакатлари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантиришга тўхталар экан, Ўзбекистон Президенти енгил автомобиллар, маиший техника, тўқимачилик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Озарбайжон билан чегараолди ҳудудлари кооперациясини муваффақиятли шерикликка мисол сифатида қайд этди.

Учинчи давлатларга экспорт қилишни кўзлаган ҳолда минерал ўғитлар, полимерлар, металлдан тайёр буюмлар, тайёр тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича истиқболли йўналишлар бўлиши мумкин.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларга тизимли тус бериш учун Марказий Осиё мамлакатларининг узоқ истиқболга мўлжалланган саноат кооперациясини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Асосий ташқи бозорлардан жўғрофий жиҳатдан узоқлигини ҳисобга олганда, мамлакатларимизда юкларни ташиш учун кетадиган харажатлар улуши товарларнинг сўнгги қийматига нисбатан 50 фоизгача етаётгани таъкидланди. Айни вақтда дунёдаги ўртача кўрсаткич 11 фоиздан ошмайди. Натижада иқтисодиётимиз ривожланган давлатлардагидан кўра 2-3 марта кўп транспорт харажатини кўтаришга мажбур бўлмоқда.

Мамлакатларимизнинг транспорт соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш мақсадида тармоқ вазирлари учрашувлари доирасида Марказий Осиёда Транспорт ва транзит ҳақидаги битимни ишлаб чиқиш, бизнес учун қулай бўлган оралиқ тарифларни қўллаган ҳолда, Хитой, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига чиқиш учун самарали транспорт коридорларини ривожлантириш бўйича аниқ механизмларни шакллантириш таклиф қилинди.

Бундан ташқари, Транспорт хизматлари бозорини либераллаштириш ва рухсат этишга доир тартиб-таомилларни оптималлаштириш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш ҳамда Халқаро ташувларнинг интеграциялашган рақамли платформасини яратиш масаласини кўриб чиқиш таклифи илгари сурилди.

— Афсуски, минтақада энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш суръатлари саноатлаштириш ва урбанизация жараёнлари, шунингдек, демографик ўсишдан орқада қолмоқда. Бугунги кунда бу мамлакатларимизнинг узоқ муддатли барқарор ривожланиши йўлидаги жиддий таҳдиддир, — дея энергетик хавфсизликни таъминлашдаги муаммоларга эътибор қаратди давлатимиз раҳбари.

Тармоқ вазирликлари ва миллий компанияларимизнинг геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли конларни ўзлаштириш, энергия ресурсларини сақлаш ва етказиб бериш бўйича мавжуд инфратузилмаларни кенгайтириш ва замонавий инфратузилмаларни яратиш соҳасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, электр энергиясини етказиб бериш учун янги магистрал тармоқларни барпо этиш ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишига айланиши лозим.

Шу билан бирга, энергия манбаларини диверсификация қилмасдан, муқобил энергетика соҳасига инвестиция ва технологияларни жалб этмасдан ва “яшил” водородни ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан туриб, минтақани барқарор ривожлантириш мумкин эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги заиф нуқталар кўрсатиб ўтилди. Булар — аграр секторнинг илмий-технологик жиҳатдан етарлича ривожланмагани, сув ресурслари борасидаги ўткир тақчиллик, қўшимча қиймат яратишнинг узоқ ва самарасиз занжирлари, иқлим инқирози ва логистикадаги узилишлар олдидаги беқарорлик, соғлом овқатланиш масалалари.

Бу соҳада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўмагида минтақавий Шериклик дастурини тайёрлаш муҳим. Зеро, мамлакатларимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан нафақат минтақанинг ички бозоридаги мавжуд эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш, балки уларни экспорт қилишдек муҳим имкониятга ҳам эгадир.

— Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим омилига айланмоқда. Шу муносабат билан, келгуси йил баҳор фаслида Самарқандда Марказий Осиёдаги иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро форум ўтказмоқчимиз, — деб, давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари делегацияларини ушбу форумга таклиф этди.

Иқлим барқарорлигини ва “яшил” тараққиётни таъминлашга амалий ҳисса қўшиш мақсадида Иқлим ўзгаришларига мослашиш масалалари бўйича минтақавий стратегияни қабул қилиш ташаббуси билдирилди.

Минтақанинг иқлимга оид ягона кун тартибини шакллантириш ва биргаликда таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш учун экология вазирлари даражасида “Иқлим бўйича Марказий Осиё мулоқоти” кўп томонлама платформасини таъсис этиш таклиф қилинди.

— Умумий тарих, урф-одат, маданият ва қадриятларга — Марказий Осиёнинг ноёб цивилизацияси муштараклиги ва ранг-баранглигига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик бизнинг энг муҳим анъанавий устувор йўналишимиздир, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Бу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Марказий Осиё мамлакатларининг маданий-гуманитар ҳамкорлигини чуқурлаштириш бўйича Ҳаракатлар режасини қабул қилиш таклиф этилди.

Айни вақтда бизнинг ноёб маданий-тарихий ва маънавий меросимизни халқаро майдонда кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари ва ноҳукумат ташкилотлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фаол фойдаланиш зарур.

Умумий минтақавий контентни шакллантириш учун олимлар ва кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда “Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак” халқаро медиа платформасини яратиш бу йўналишдаги амалий қадам бўлади.

Марказий Осиё давлатларининг ёшларга оид сиёсатига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ёшларнинг билим ва малакасини ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш, уларни етук малакали кадрлар қилиб тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида шу йўналишдаги халқаро ташкилотлар иштирокида Марказий Осиё ёшлари имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш марказини ташкил этишни таклиф этамиз. Шунингдек, мамлакатларимиздаги истеъдодли ёшлар учун илм-фан ва таълим соҳасида Ал-Хоразмий, Форобий, Жомий, Махтумқули, Чингиз Айтматов каби Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар, аллома ва файласуфлар номидаги минтақавий грант ва стипендиялар таъсис этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилди. Хавфсизлик масалалари бўйича давлатларимизнинг Хавфсизлик кенгашлари котиблари томонидан мувофиқлаштириб бориладиган мунтазам йиғилишларни ўтказиш ҳақидаги таклиф қўллаб-қувватланди.

Марказий Осиё мамлакатлари чегараларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича Давлатлараро дастурни ишлаб чиқиш ҳамда Фавқулодда вазиятлар юзасидан прогнозлар қилиш, уларнинг олдини олиш, барвақт огоҳлантириш ва уларга биргаликда қарши туриш борасида Минтақавий тизимни шакллантириш ташаббуси илгари сурилди.

Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка бевосита таъсир кўрсатадиган энг асосий омиллардан бири Афғонистондаги вазиятдир.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон бундан буён ҳам афғон халқига зарур ёрдам кўрсатади, шу мақсадда Термиздаги халқаро хабни гуманитар кўмак учун тақдим қилади, афғон фуқароларини махсус ташкил этилган таълим марказида ўқитишни давом эттиради.

Трансафғон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини илгари суриш билан бирга Афғонистоннинг ички транспорт йўлларини тиклаш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, афғон томони билан чегаралар хавфсизлиги, сувдан фойдаланиш ва савдо-сотиқни ривожлантириш масалалари бўйича мулоқот муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Сўзининг якунида Президентимиз Маслаҳат учрашувлари ишлари бўйича Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашини таъсис этиш таклифини қўллаб-қувватлади ҳамда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий кенгашини ташкил этишни таклиф қилди.

Ўзбекистон раҳбари учрашув натижалари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга, кенг миқёсдаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Саммитда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон раҳбарлари сўзга чиқди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби саммит иштирокчиларига видеомурожаат йўллади.

Тадбир якунида қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди: Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича қўшма баёнот, Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида битим, Марказий Осиёда ерусти транспортининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисида битим, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ишлари бўйича Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши тўғрисида низом, 2022-2025 йилларда Марказий Осиёда саломатлик ва фаровонликни қўллаб-қувватлаш учун “йўл харитаси”.

Шундан сўнг Душанбе шаҳридаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида расмий тадбирлар, концерт ҳамда минтақа мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳамда фахрий меҳмон — Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг фахрий нишони билан тақдирлаш маросимида иштирок этдилар.

Фахрий нишон 2021 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувида таъсис этилган бўлиб, у билан минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшган шахслар мукофотланади.

Сўнг етакчилар “Кўҳи Борбад” саройида мамлакатларимиз санъат усталари иштирокидаги “Дўстлик оқшоми” концерт дастурини биргаликда томоша қилдилар.

Фольклор-этнографик жамоалар ва эстрада артистларининг чиқишлари, миллий қўшиқ ва рақслар халқларимиз қардошлиги ҳамда маданий муштараклигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Тадбирлар дастури “ЭКСПО Марказий Осиё 2023” кўргазмасига ташриф билан давом этди. У ерда Президентларга минтақада ишлаб чиқарилаётган асосий турдаги маҳсулотлар намойиш этилди.

“Made in Uzbekistan” бўлимида юртимиз заргарлик, тўқимачилик, чарм-пойабзал, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва туризм тармоқлари салоҳияти акс этган.

Кўргазмадан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон маҳсулотлари ҳам жой олган. Экспозициянинг умумий майдони 1800 квадрат метрдан ортиқ.

Танишув якунида давлат раҳбарлари мутасаддиларга ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар бердилар.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасидаги концерт, Хотин-қизлар мулоқоти учрашуви, иқтисодий форум, маҳсулотлар кўргазмаси, транспорт вазирлари учрашуви, ректор ва олимлар форуми ҳамда шу кунларда Душанбеда ўтаётган бошқа маданий-гуманитар тадбирлар Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган саммит сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тожикистонга амалий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ



Бошланиши 1-бетда

Жиноятчиликни янгича услубда таҳлил этиш, ходимлар иш самарадорлигини уларнинг хизмат вазифасини қай даражада сифатли ва малакали бажаришига қараб баҳолаш механизми жорий этилгани ишимиз сифати ва мазмунини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Бевосита аҳоли билан ишлаётган ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ҳудудларда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларининг сайёр қабуллари, аҳоли билан бевосита мулоқотлари мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Сектор раҳбарлари томонидан жиноятлар сабабларини "маҳаллабай" ва "соҳабай" муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш борасида ваколатли давлат идораларининг кундалик вазифаларини белгилаш тизими яратилди.

Соҳани ислоҳ қилиш жараёнида ички ишлар органларининг бевосита аҳоли билан ишлаётган хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилини амалиётга татбиқ этиш доирасида сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳар куни ташкил этиш, аҳоли ўртасида жиноятчиликка нисбатан муросасизлик ҳиссини кучайтириш чоралари кўрилаётгани ҳамда жиноятчиликни "маҳаллабай" тамойили асосида жиловлаш механизми яратилгани ижобий натижа бермоқда.

Тизим фаолияти тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси қабул қилинди. Ушбу концепция асосида аҳолини таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилиш билан боғлиқ алоҳида вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ягона бошқарув тизими яратилди, бунга муносиб ҳиссасини қўшадиган ваколатли идоралар белгиланди.

Барча ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳолат халқ депутатлари Кенгашларида муҳокама қилиб келинмоқда. Бу борадаги аҳволни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш тартиби жорий этилди. Қатор янгича иш услублари амалиётга татбиқ этилди, патруллик хизмати замонавий моделлар асосида ташкил этилди.

Азиз юртдошлар!

Кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида ана шундай ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, албатта, барчамизни қувонтиради. Шу билан бирга, бугунги шиддатли ва мураккаб замон олдимизга қандай долзарб вазифаларни қўяётганини барчамиз яхши тушунамиз.

Жорий йил 28 июль куни Фарғона шаҳрида Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг Президентимиз раислигида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида тизимдаги ишлар чуқур таҳлил қилиниб, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар аниқ кўрсатиб берилди.

Шулардан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларга ечим топиш, аҳоли учун хавфсиз яшаш ва меҳнат шароитларини яратиш борасида ички ишлар органлари томонидан қатор вазифалар белгилаб олинди.

**Биринчидан,** бундан буён асосий эътиборни содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни илмий ёндашув асосида ўрганиш, уларнинг асл сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш масаласига қаратамиз. Эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб этиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда "намунали ҳудуд методикаси" яратилади. Мазкур ёндашув орқали келгусида ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг асл сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

**Иккинчидан,** аччиқ бўлса ҳам тан олиш керак: тўққиз ярим мингга яқин маҳалланинг 1,5 мингдан зиёдида криминоген вазият мураккаблигича қолмоқда. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, маҳалладаги жиноятчиликнинг илдизи кўпинча ижтимоий муаммоларга бориб тақалади.

Шунинг учун ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича "ижтимоий профилактика" тизимини тўғри йўлга қўйиш орқали профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаолидан иборат "маҳалла бешлиги" ҳамкорлиги янада кучайтирилади. Маҳалланинг ўзида ўсмирлар, ёшлар ва аёллар ўртасидаги жиноятчиликни кескин камайтириш ҳамда муаммоли фуқаролар билан ишлашни кучайтирган ҳолда криминоген вазиятни барқарорлаштириш чоралари кўрилади.

**Учинчидан,** Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва уларнинг вилоят бошқармалари раҳбар ходимлари, Бош прокурор ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари ва вилоят прокурорлари энг оғир маҳаллаларга бириктирилган ҳолда уларни "жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш" саъй-ҳаракатлари фаоллик билан амалга оширилади. Бунда ҳар бир раҳбар жойларга чиқиб "маҳалла бешлиги" фаолияти билан шахсан танишади, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳамда криминоген вазиятга таъсир кўрсатувчи омилларни муҳокама қилади, муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни белгилайди ва назоратини ўрнатади.

**Тўртинчидан, "Оила — маҳалла — мактаб — мустақил ҳаёт"** тамойили асосида тарбияси оғир ўсмирларга вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари бириктирилади, мустақил ҳаётга тайёрлаш даврида улар билан якка тартибда ишлаш механизми йўлга қўйилади. Бунинг учун "Вояга етмаганлар билан ижтимоий-ҳуқуқий ишлаш кластери" тизими жорий этилади. Бунда ўсмирларни уч тоифага бўлган ҳолда мутасаддилар томонидан "оталиққа олиш" тартиби белгиланади.

Хусусан, жиноят содир этган ёки жиноят қилишга мойил бўлганларга ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари, ижтимоий зарарли хатти-ҳаракат содир этиши мумкин бўлганларга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари, назоратсиз ва қаровсиз қолганларга ҳокимликлар, таълим муассасаси директорлари ва маҳалла раислари бириктирилади.

> **ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ЁКИ ЖИНОЯТ ҚИЛИШГА МОЙИЛ БЎЛГАНЛАРГА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА РАҲБАР ЎРИНБОСАРЛАРИ, ИЖТИМОИЙ ЗАРАРЛИ ХАТТИ-ҲАРАКАТ СОДИР ЭТИШИ МУМКИН БЎЛГАНЛАРГА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА РАҲБАР ЎРИНБОСАРЛАРИ, НАЗОРАТСИЗ ВА ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАНЛАРГА ҲОКИМЛИКЛАР, ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРЛАРИ ВА МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ БИРИКТИРИЛАДИ.**

**Бешинчидан,** "Хавфсиз оила" тамойили асосида алоҳида иш тизими йўлга қўйилади. Бунда ижтимоий-маиший муаммоси ҳал бўлмаган оилалар билан ишлаш давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси этиб белгиланади. Судда низолашаётган оилалар билан манзилли ишлаш бўйича ягона идоралараро ахборот тизими ишга туширилади. Бунинг учун суд органларига низонинг мазмуни ва ундан кутилаётган хатарларнинг барвақт олдини олиш бўйича маҳалла ва ички ишлар органларини хабардор қилиш, таҳлилий тавсия бериш вазифаси юклатилади.

Ўз навбатида, ички ишлар органлари, суд тавсиясига асосан, низоли оилани ўрганиб, ҳимоя ордери орқали "оилабай" профилактик чораларни кўриш, сектор раҳбарлари ва маҳалла раисларига оиланинг маиший муаммоларини ҳал этишда яқиндан кўмаклашиш, адлия органлари эса низолашаётган оила билан манзилли маслаҳатлашув ўтказиб, малакали ҳуқуқий ёрдам бериш ишларини амалга оширади.

**Олтинчидан,** "Йўл ҳаракати хавфсизлиги — жамоатчилик назоратида" тамойили асосида йилига камида икки марта ижтимоий сўров ўтказиш, шунингдек, барча йўл-патруль хизмати ходимлари учун маҳаллаларни қамраб олувчи жавобгарлик ҳудудини белгилаб қўйиш амалиёти йўлга қўйилади. Бунда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилган ишлар бўйича Олий Мажлис, маҳаллий кенгашлар ва кенг жамоатчиликка ҳар ярим йилда ҳисобот бериб борилади.

Мамлакатимиз бўйича энг хавфли йўл ва чорраҳалар харитаси шакллантирилади. Ушбу харитада ҳаракатни тартибга солиш учун зарур бўлган светофор, йўл тўсиқлари, ер усти ва ер ости пиёдалар йўлакларининг аниқ сони ва ўрнатилиш жойлари, шунингдек, таъмирталаб, жиддий хавф туғдираётган йўл қисмларининг жойлашуви кўрсатилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари кўмагида, консультантларни жалб қилган ҳолда, ушбу йўл ва чорраҳаларда тартиб ўрнатиш ишлари бошланади.

**Еттинчидан,** сўнгги вақтларда янги турдаги жиноятлар ва уларни содир этиш усуллари пайдо бўлмоқда. Айниқса, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ёт ғояларни тарғиб этиш, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, фуқароларнинг шахсий маълумотларини ва мол-мулкини интернет ҳамда ижтимоий тармоқлар ёрдамида ноқонуний қўлга киритиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Мана шундай вазиятда барчамиз доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак.

Бу борада маҳалла фаоллари, нуронийлар, устоз ва мураббийлар билан биргаликда келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни жиноят ва ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишнинг содда ва самарали усуллари амалда қўлланади.

**Саккизинчидан,** шиддат билан ўзгараётган ҳозирги замонда соҳани рақамлаштириш кўрсаткичини юксак даражага етказишга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, аҳолига электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва кўламини ошириш, идоралараро ахборот алмашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш бўйича барча зарур чоралар кўрилади.

Бунга бор кучимиз ва имкониятларимизни йўналтирамиз.

**Тўққизинчидан,** тизимда маънавий-ахлоқий масалаларга эътибор тубдан ўзгаради. Ички ишлар органлари ходимлари ҳар куни минглаб фуқаро билан мулоқотга киришади. Бу жараёнда уларнинг хушмуомала бўлиши, фуқаролар муаммоларига қонуний ечим топиши аҳоли, умуман, жамиятдаги ижтимоий кайфиятга жуда катта таъсир кўрсатади.

> **ЎЗ КАСБИГА, ХИЗМАТ БУРЧИГА САДОҚАТЛИ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ХАЛҚ МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШНИ МУҚАДДАС БУРЧИ ДЕБ БИЛАДИГАН ЧИНАКАМ ФИДОЙИ ХОДИМЛАР ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЗИММАСИГА ЮКЛАТИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУНИНГ УЧУН БУНДАН БУЁН ҲАМ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ТАНЛАШ ВА ЖОЙ-ЖОЙИГА ҚЎЙИШ ҲАМДА ТИЗИМНИ НОПОК, ҒАРАЗЛИ НИЯТДАГИ, ЎЗ МАНФААТЛАРИНИ ХАЛҚ МАНФААТИДАН УСТУН ҚЎЯДИГАН ШАХСЛАРДАН ТОЗАЛАШ ИШЛАРИ ДИҚҚАТИМИЗ МАРКАЗИДА БЎЛАДИ.**

Шу маънода, ўз касбига, хизмат бурчига садоқатли, юрт тинчлиги, халқ манфаати учун хизмат қилишни муқаддас бурчи деб биладиган чинакам фидойи ходимлар ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун бундан буён ҳам кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда тизимни нопок, ғаразли ниятдаги, ўз манфаатларини халқ манфаатидан устун қўядиган шахслардан тозалаш ишлари диққатимиз марказида бўлади.

Азиз юртдошлар!

Жонажон Ўзбекистонимиздаги бугунги озод ва фаровон ҳаёт, тинчлик ва осойишталик ҳамда фуқароларнинг эмин-эркин яшаб меҳнат қилиши учун яратилган барча шароитларнинг қадрига етиш, Ватанимизнинг бугунги куни ва эртаси учун, касби коримиз, ёшимиз, миллатимиз ва эътиқодимиздан қатъи назар, ҳар биримиз ўзимизни масъул деб билишимиз лозим.

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ички ишлар органлари ходимларининг шарафли бурчидир. Халқ манфаатларига хизмат қилиш соҳа вакилларининг асосий шиори бўлиб қолади.

Ана шундай эзгу ва хайрли ишларда ички ишлар органлари, аввалambор, жонажон Ўзбекистонимизнинг кўп миллатли халқига, жонкуяр ва фидойи маҳалла фаолларига, кўпни кўрган нуроний отахон ва онахонларимизга, меҳрибон опа-сингилларимиз, хотин-қизлар ташкилотларининг тажрибали вакилларига, инсон қалби муҳандислари бўлган устоз ва мураббийларимизга, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган азму шижоатли ёшларимизга таянади ва суянади.

Қадрли ватандошлар, мамлакатимизда тинч ва осойишта ҳаётни янада мустаҳкамлаш, маҳаллаларимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ягона куч бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилайлик!

**Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазири**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

# ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНМОҚДА

**Ҳар бир инсон, ижтимоий мавқеи, сиёсий қарашлари, жинси, ирқи ва эътиқодидан қатъи назар, жамиятнинг барча аъзолари билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Бундан ташқари, инсонлар меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ва қулай меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Муносиб иш ҳақи олиши зарур. Ушбу нормалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган.**



**Шоҳрухбек ТИЛЛАБОЕВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиати**

Афсуски, ҳозир ушбу нормаларга жаҳон миқёсида тўла риоя этилади, деб бўлмайди. Масалан, аксарият иш берувчилар жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга олишни истамайди ёки уларга нисбатан камситувчи муносабатда бўлади. Тўғри, бундай шахслар ўтмишда ҳуқуқбузарлик қилган, қонунни бузган, лекин улар қилган ишига пушаймон бўлиб, афв этилган. Жамиятда одам сони кўпайгани сари турли соҳаларда ишчи кучига талаб ҳам ортиб боришини ҳисобга олиб, маҳкумларни ижтимоий реабилитация қилиш заруратини тасаввур қилиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 5 сентябрдаги "Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айни шу сабабларга кўра қабул қилинди. Ушбу қарорда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни иш билан банд қилишга катта эътибор қаратилган. Озодликка чиққан шахсларда масъулият ва эркин фаолиятни ривожлантириш зарурлиги таъкидланган.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратсак. Масалан, Буюк Британия ва АҚШда маҳкумлар ўзини эркин идора этиши учун шароит яратувчи реабилитация дастурлари мавжуд. Албатта, улар назорат қилинади, шу билан бирга, ўз ҳаёти учун масъулиятни ҳис қилиш имконига эга бўлади. Бу каби ижтимоий мослашув маҳкумлар озодликка чиққандан кейин жамиятда ўз ўрнини топишида, айниқса, аҳамиятли.

> **БУЮК БРИТАНИЯ ВА АҚШДА МАҲКУМЛАР ЎЗИНИ ЭРКИН ИДОРА ЭТИШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТУВЧИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРЛАРИ МАВЖУД. АЛБАТТА, УЛАР НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ, ШУ БИЛАН БИРГА, ЎЗ ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛАДИ. БУ КАБИ ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВ МАҲКУМЛАР ОЗОДЛИККА ЧИҚҚАНДАН КЕЙИН ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИДА, АЙНИҚСА, АҲАМИЯТЛИ.**

Юқорида айтиб ўтилган қарорда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия бериш тартиби белгиланган. Унинг ижроси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ҳамда Ички ишлар вазирликларига юклатилган.

Бундай иш берувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари миқдорида бир марталик субсидия ажратилади. Ушбу субсидия фақат давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган, асосан, тадбиркорлик субъектларига берилади. Агар жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналарига ишга кирса, ушбу субсидия иш берувчиларга тўлаб берилмайди.

Субсидия бериш тартибига кўра, маҳаллий Бандликка кўмаклашиш марказлари иш берувчидан мурожаат келиб тушгандан сўнг 3 иш куни ичида субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади. 5 иш куни ичида эса субсидия иш берувчининг ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Албатта, иш берувчи жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ихтиёрий равишда ишга қабул қилади. Субсидия эса озодликка чиққан шахслар иш берувчининг корхонасида 3 ойдан ортиқ ишлаши шарти билан берилади. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-ҳунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ташкил этилади.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини идораларида озодликка чиққан инсонлар онгига фаол, соғлом турмуш тарзини сингдириш бўйича давра суҳбатлари, учрашувлар, бошқа тарғибот ва профилактик тадбирлар ташкил этилади. Ҳар бир вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликларига аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захирага қўйиш бўйича қарорлар қабул қилиш вазифаси юкланган.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги "Ишга марҳамат" мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар касб-ҳунарга ўқитилади. Мономарказларда инклюзив таълим ҳам жорий этилган бўлиб, айрим тоифалардаги фуқароларга экспертлар ёрдамида қисқа муддатда касб-ҳунар ўргатилмоқда. Ушбу марказларда таҳсил олаётган фуқаролар келажакда ўз мутахассислиги бўйича иш топиш имкониятига эга бўлади.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда ижтимоий мослашув марказларини очиш мақсадга мувофиқ. Ушбу марказлар уйсизларни вақтинча уй-жой билан таъминлаш, ҳужжатларни тиклаш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, иссиқ овқат, асосий эҳтиёжлар билан таъминлаш каби вазифаларни зиммасига олади.

БИЗ ВА ДУНЁ

# ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДА ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ

## тўғри қарор қабул қилишнинг муҳим омили



**Одилжон МАМАДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи**

**Дунё шиддат билан ўзгараётган ҳозирги даврда ахборот ва маълумотларга бўлган "чексиз" талаб ҳам кун сайин жадаллашиб боряпти. Мазкур эҳтиёжни қондириш "халқаро статистика ҳамжамияти"нинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.**

Аслида, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича резолюция 2015 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сессиясида қабул қилинди ва бу ҳужжат принципиал жиҳатдан янги глобал мажбурият ҳисобланади. Резолюцияда Барқарор ривожланишнинг 17 мақсади ва унга эришишнинг 169 та вазифаси кенг миқёсли масалаларни, яъни одамлар соғлиғи ва фаровонлигидан тортиб иқлим ўзгаришларигача, гендер тенглигидан истеъмол ва ишлаб чиқариш моделлари ўзгаришларигача бўлган жараёнларни қамраб олган.

Табиий ва глобал инқирозлар, шу жумладан, коронавирус пандемияси бу мақсадларга эришишни тезлаштиришни кун тартибига қўйди. Бу, ўз навбатида, статистика маълумотларини йиғишнинг амалдаги ёндашувлари ва усулларини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Шунингдек, инновациялар, хусусан, катта ҳажмдаги маълумотлар (Big data), булутли ҳисоблаш, сунъий интеллект, блокчейн, буюмлар интернети, мобиль, виртуал реаллик каби рақамли технологияларнинг кириб келиши статистика тизими фаолиятини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

### Муаммоларни ҳал этиш мумкинми?

Халқаро экспертларнинг фикрича, бутун жаҳон статистларининг муаммолар устида биргаликда ишлаши, янгича ёндашувларни излаб топиши ва амалиётга жорий этиши, илғор тажрибалар асосида мавжуд услубиётларни такомиллаштириш ва фаолиятга инновацияларни татбиқ қилиш орқали мавжуд муаммоларни ечиш мумкин. Бунинг учун "халқаро статистика ҳамжамияти" фаолиятини янги босқичга кўтариш зарур бўлади.

Хўш, бу муаммоларни ҳал этишга ким бош-қош бўлади? Қандай ташкилот бошқаради?

Бу ишларни "халқаро статистика ҳамжамияти"нинг бош органи — БМТнинг Статистика комиссияси мувофиқлаштириб боради. Мазкур комиссия 1947 йилда тузилган. Ҳар йили муҳокамалар ўтказиб, статистика фаолиятига доир муҳим қарорларни қабул қилади ва соҳадаги энг юқори расмий халқаро форум ҳисобланади.

Шунингдек, у БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг (ЭКОСОС) функционал комиссияси бўлиб, миллий статистика тизимларини ривожлантириш ва уларга доир маълумотларнинг таққосланувчанлигини таъминлашда, ташкилот ихтисослаштирилган агентликларининг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда статистикани ва унинг услубиётини такомиллаштиришда ёрдам беради.

ЭКОСОС — БМТнинг асосий органларидан бири бўлиб, у ихтисослашган муассасаларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлигини мувофиқлаштиради. БМТга аъзо давлатларнинг географик тенглик асосида ротация йўли билан сайланадиган аъзоларидан ташқари, 1 минг 600 дан ортиқ нодавлат ташкилотлари кенгашда маслаҳатчи мақомига эга.

Статистика комиссияси 75 йилдан ортиқ фаолияти давомида барча йўналишлар бўйича асосий халқаро стандартлар, концептуал таъриф ва услубий кўрсатмаларни муҳокама қилиш ва қабул қилиш учун асосий платформага айланди.

### Комиссия фаолияти қандай ташкил этилган?

БМТ Статистика комиссияси муҳокамаларига масалалар БМТга аъзо давлатлар ва барча даражадаги халқаро ташкилотлар томонидан киритилади. Масалалар ечимини таъминлаш бўйича махсус комиссия ва эксперт гуруҳлари тузилади. Уларнинг таркибига миллий статистика идоралари вакиллари ҳамда ихтисослиги бўйича тегишли халқаро ташкилотлар ва минтақавий комиссиялар киради, зарур ҳолларда илмий жамоатчилик ҳам жалб этилади. Қабул қилинган таклифлар амалиётга татбиқ этиш учун тавсия этилади.

Статистика комиссияси фаолияти БМТнинг Статистика департаменти томонидан мувофиқлаштириб борилади. Шунингдек, у барча соҳалар бўйича глобал маълумотлар маркази бўлиб, бутун ташкилот тизими томонидан тўпланган статистик маълумотларни тақдим этади. Ўз навбатида, департамент ҳар қандай лойиҳа ва таклифни маъқуллаш учун ЭКОСОСга юборади ва якуний ҳужжат мамлакатларга амалиётга жорий қилиш учун тавсия этилади.

**ЎТГАН ВАҚТ МОБАЙНИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРГА КЕЛГАНДА, 184 ТА ЯНГИ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ ВА МАВЖУД 35 ТАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ. ФАОЛИЯТГА СИФАТНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛҒОР ТИЗИМЛАРИ (GSIM ВА GSBPM) ЖОРИЙ ЭТИЛДИ, УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ, "МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ — 2008" ТАВСИЯЛАРИ ТЎЛИҚ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИНДИ.**

### Ҳамкорлик ришталари

Ўзбекистон 1992 йил БМТга аъзо бўлгандан буён миллий статистика идоралари БМТ Статистика комиссияси фаолиятида фаол иштирок этиб келади. Бу ишларни самарали ташкил этиш мақсадида БМТ Статистика департаменти билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини БМТ Статистика департаменти маълумотлар базалари ва тўпламларида тўлиқ акс эттириш мақсадида доимий асосда ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Бугунги кунда БМТ Статистика бўлимининг 10 турдаги махсус саволномалари мунтазам равишда, қатъий талаб қилинган муддатда тўлдирилади ва тақдим этилади.

Шу билан бирга, Статистика агентлиги вакиллари ҳар йили ташкил этиладиган БМТ Статистика комиссияси муҳокамаларида фаол иштирок этади. Комиссиянинг жорий йил 26 февраль — 3 март кунлари ўтказилган 54-сессиясида ҳам Агентлик делегацияси иштирок этди.

Сессия аввалида расмий статистика бўйича олий даражадаги форум ташкил этилди. Унда соҳа олимларининг турмуш фаровонлигини аниқлашда ялпи ҳудудий маҳсулотдан фарқли ўлароқ бошқа кўрсаткичлар билан ҳисоблаш концепцияси ўртага ташланди.

Муҳокамалар давомида мазкур концепция истиқболли лойиҳа сифатида қабул қилиниб, ишчи гуруҳ тузиш ва бу йўналишда ишларни жадаллаштириш тавсия этилди.

Сессияда умумий ҳисобда 33 масала, шу жумладан, 23 турдаги турли статистик услубиётни янгилаш бўйича тавсиялар кўриб чиқилди, махсус комиссия ва эксперт гуруҳлари ҳисоботи тингланди.

Тадбир давомида Ўзбекистон статистикаси учун устувор масалалар бўйича БМТ Статистика департаменти, Осиё ва Тинч Океани бўйича Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ОТОИИК) статистика бўлими, МДҲ давлатлараро статистика қўмитаси, Ислом мамлакатлари учун статистик, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ва ўқув маркази (SESRIC), Малайзия, Сингапур, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Таиланд, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Марказий Осиё ва МДҲ давлатлари статистика идоралари раҳбарлари билан музокаралар ўтказилди, қатор меморандумлар имзоланди.

Ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишларга келганда, 184 та янги услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди ва мавжуд 35 таси такомиллаштирилди. Фаолиятга сифатни бошқаришнинг илғор тизимлари (GSIM ва GSBPM) жорий этилди, уй хўжаликлари ва нархларни ўрганиш усуллари такомиллаштирилди, "Миллий ҳисоблар тизими — 2008" тавсиялари тўлиқ имплементация қилинди.



Маълумот учун: GSIM — Статистик маълумотларни тақдим этишнинг универсал модели (Generic Statistical Information Model). Ушбу модель фойдаланувчи учун тушунарли бўлган ягона тамойил асосида статистик маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш имконини беради.

GSBPM — Статистик маълумотларни ишлаб чиқариш жараёнининг намунавий модели (Generic Statistical Business Process Model). У статистик жараённи тизимлаштиришга хизмат қилади, бу ўз навбатида, фаолият натижадорлиги ҳамда маълумотларнинг юқори сифатини таъминлайди.

Статистика идораларининг расмий электрон ахборот ресурслари такомиллаштирилди. Хусусан, расмий веб-сайт сўнгги халқаро андозалар асосида янгидан ишлаб чиқилди ва ишга туширилди. Гендер статистикасига оид gender.stat.uz, миллий барқарор ривожланиш мақсадларига бағишланган nsdg.stat.uz сайтлари, шунингдек, очиқ маълумотлар портали такомиллаштирилиб, уларда эълон қилинаётган маълумотлар кўлами кенгайтирилди.

Барча даражадаги фойдаланувчилар эҳтиёжини қондириш, республика, тармоқ ва ҳудудлар миқёсидаги кенг кўламли маълумотлар банкини бир ахборот ресурсида ҳавола этиш мақсадида МДҲ давлатлари ўртасида ягона бўлган "Статистика" интеграллашган ахборот тизими ишга туширилди. Унда бир ахборот маконида мавжуд барча статистика маълумотларини эркин олиш имкониятини яратиш баробарида, фойдаланувчи учун қулай бўлиши нуқтаи назаридан нафақат жадвал, балки диаграмма ва инфографикалар шаклида, таҳлилий-статистика кўринишида ҳам фойдаланиш йўлга қўйилган.

Дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларини тўлиқ акс эттириш мақсадида 49 та саволнома асосида 17 та халқаро ташкилот билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилган ҳамда глобал ахборот ресурсларига интеграция қилинди. Хусусан, ХВЖнинг кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими (E-GDDS)га, БМТнинг COMTRADE ташқи савдо бўйича ва UNICEFнинг TransMonEE маълумотлар базаларида доимий равишда кўрсаткичларимиз янгилаб борилмоқда.

Албатта, буларнинг барчаси фойдаланувчиларнинг статистик ахборотга бўлган талабларини қондиришга ижобий таъсир кўрсатади. Натижада Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича Ўзбекистонда қўлга киритилган ютуқлар БМТ Статистика бўлими томонидан эътироф этилиб, унинг веб-сайтида эълон қилинди.

"Очиқ маълумотлар хатлови" (ODIN) баҳолашларида Ўзбекистон ўз позициясини яхшилаб, 70 балл билан рейтингда 195 давлат орасида 30, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади. Бинобарин, бу рейтингда мамлакатимиз 2018 йил ҳисоботида 168, 2020 йилда 44-поғонадан жой олган эди.

Шак-шубҳасиз, амалга оширилаётган мазкур ишлар, шу жумладан, БМТ Статистика комиссияси 54-сессияси давомида эришилган келишувлар Статистика агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, илғор хорижий тажриба ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, статистика услубиётини энг сўнгги халқаро тавсияларга монанд бўлишини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, жаҳон андозаларига мос ва халқаро даражада эътироф этилган Ўзбекистон миллий статистика тизимининг самарали фаолият юритишига ижобий ҳисса қўшади.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР



# ЖИЗЗАХНИНГ КИВИЛАРИ ХОРИЖНИКИДАН ШИРИН

**Шароф Рашидов туманининг Жиззах шаҳрига туташиб кетган Совунгарлик маҳалласи аҳлининг кўпи тадбиркорлик, боғдорчилик, деҳқончилик, паррандачилик ва ҳунармандлик билан шуғулланади. Меҳнати эвазига рўзғори фаровон, энг муҳими, доимий даромадга эга.**

Маҳаллада, айниқса, гулчилик, иссиқхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кўчат етиштириш борасида ўзига хос тажриба тўпланган. Томорқасидан унумли фойдаланаётган аҳоли йилнинг тўрт фаслида маҳаллий бозорни сифатли ва сервитамин помидор, бодринг, кўкат, цитрус мевалар билан таъминлайди.

Шу маҳаллалик Нормурод бобо Шокиров оиласини нафақат туманда, балки вилоятда ҳам лимончи ва гулчи сифатида яхши танишади. Хонадон эшиги меҳмонлару харидорлар учун ҳамиша очиқ. Ҳовлига кирар экансиз, бири-биридан чиройли ранг-баранг гулларни кўриб, баҳри дилингиз очилади, уларнинг анвойи ифоридан чуқур-чуқур нафас оласиз. Кайфиятингиз кўтарилади. Узум вайишларда кивининг серҳосил меваларини кўриб эса ҳайратга тушасиз.

Нормурод бобо кўп йиллардан буён эл дастурхони тўкин-сочин бўлишига ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ишларда, албатта, унга турмуш ўртоғи Норбодом опа қанот. Рафиқаси билан беш ўғил ва бир қизни вояга етказиб, уйли-жойли қилди. Барча фарзандлари шу маҳаллада яшайди. Улар ҳам ота касбини танлаб, томорқаларида гулчилик, лимончилик билан шуғулланмоқда.

— Тадбиркорликни гулчиликдан бошлаганмиз, — дейди Нормурод бобо. — 1994 йили томорқамизда иссиқхона қурдик ва гул етиштириб сотишни йўлга қўйдик. Гулчилик осон иш эмас экан. Катта сабр, меҳнат ва қунт талаб қилади. Гулга қанчалик меҳр бериб, парвариш қилсангиз, шунчалик яхши ривожланади, даромади ҳам шунга яраша бўлади. Ўзимизга яраша харидорларимиз бор. Кўпчилик гулни уйимиздан олиб кетади. "Ором" деҳқон бозоридан ҳам гул сотиш учун жой олганмиз. Келинимиз савдо қилади. Яратганга шукр, шу иш билан шуғулланиб кам бўлмадик. Икки сотих еримиздан йилига қарийб 70 миллион сўмгача даромад қиламиз. Шунинг орқасидан фарзандларимизни ўқитдик, тўйларини ўтказдик, ҳар бирига алоҳида уй солиб бердик, қўша-қўша машинали бўлдик. Энг муҳими, ҳалол меҳнат, кўнгил хотиржамлиги ва доимий даромад. Фарзандларим йўлимни танлаганидан хурсандман. Улар ҳам томорқаларида иссиқхона ташкил этиб, гулчилик, лимончилик билан шуғулланмоқда.



**— Тўғриси, Жиззахда киви етиштириляпти, деган гапга ишонмагандим. Бугун эса шундай серҳосил киви дарахтининг соясида ўтирибман. Ўзбекистон, айниқса, Жиззах шароитида киви етиштириш янгилик ҳисобланади. Бунга қандай эришдингиз?**

— 2017 йили Фарғона водийсида киви етиштирилаётганини эшитиб, ўша ёқдан кўчатини олиб келиб экдим. Каттагина дарахтга айландию, лекин бир неча йил ҳосил бермади. Нимага водийда ҳосил берадию, Жиззахда бермайди, деган савол мени изланишга ундади. Бу орада киви кўчатларининг "эркак" ва "урғочи"си бўлишини билиб олдим. "Эркак" киви гулласа-да, мева бермас, вазифаси фақат changлатиш экан. Кўчатларнинг жойини алмаштирдим. Натижада уч йилдан бери ҳосил оляпмиз. Йилдан-йилга ҳосилдорлиги ортяпти. Ўтган йили бир тупидан йигирма килодан ортиқ ҳосил олдик. Бир тупи 50 килогача ҳосил беради. Мақтаняпти демангу, мен етиштирган киви билан четдан келаётган кивининг мазасида анча фарқ бор. Бизники ширин. Сал кейинроқ келсангиз, таъмини татиб, баҳо берасиз. Менга бу меванинг ёққан томони — турли касалликларга, совуққа чидамли. Парваришда алоҳида меҳр талаб қилмайди. Шу сабаб, киви етиштиришнинг харажати кам, даромади кўп. Тўғриси, ҳали киви сотиб даромад қилганимиз йўқ. Оиламиз катта. Олтита фарзандимдан 19 невара, 2 эварамиз бор. Киви ҳосилини, аввало, оиламиз билан баҳам кўрдик, қолаверса, қўшнилару яқинларимизга тарқатдик. Тажрибамдан айтишим мумкинки, мамлакатимизда киви етиштиришни кенгайтириб, яхшигина фойда қилса бўлади.

**— Келажакда ўзингизнинг ҳам киви, лимон, гулчиликни янада ривожлантириш ниятингиз борми?**

— Албатта. "Ер — хазина" нақли бекор айтилмаган. Кўп ҳамюртларимиз яхши яшаш, бой бўлишни орзу қиладию, аммо бойлик манбаи бўлган ердан унумли фойдаланишни билмайди. Кўпчиликнинг томорқаси, баъзиларининг гектарлаб ери бор. Афсуски, кўп ерларимизнинг умри бефойда ўтмоқда. Ҳеч нарса экилмаган ерларни кўрсам, эгасига нафратим ошади.

Ҳозир ер аукционда сотиляпти. Биз томонларда уларнинг қаровсиз қолиб кетаётганлари ҳам кўп. Уларни кўрсам, кайфиятим бузилади. Менимча, маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчисига жавобгарлик эвазига ерларни ҳақиқий эгасига, ишлайдиган одамларга тарқатиш ҳуқуқини бериш керак. Шунда натижа бўлиши мумкин. Насиб қилса, бу йилги аукционда ўғилларим билан иштирок этиб, албатта, қўшимча ер олиб, гул, лимон, киви, мандарин етиштиришни кенгайтиришдан ташқари, иссиқхонада помидор ва бодринг экишни ҳам йўлга қўйишни ният қилганмиз.

**— Шу соҳага қизиққан юртдошларимизга нима маслаҳат берасиз?**

— Томорқачилик ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Шахсий томорқа хўжалигидан самарали фойдаланишда аҳолига яқиндан кўмаклашиш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Арзон баҳоларда уруғлик ва мевали дарахт кўчатлари, минерал ўғит ва кимёвий дорилар етказиб берилмоқда. Юртимиз серқуёш, еримиз унумдор. Ҳар қарич ердан унумли фойдалансак, албатта, халқимиз бой-бадавлат, рўзғори бут, ҳаёти фаровон бўлади. Шундай экан, аввало, томорқачилик сирларини қунт билан ўрганиш керак, кейин ҳеч иккиланмай, Яратганга таваккал қилиб ишни бошлаш лозим. Яратганнинг ваъдаси бор: сендан ҳаракат, мендан баракат.

Ким агар гулчилик, лимон ва киви етиштиришга қизиқса, уйимизнинг дарвозаси ҳамиша очиқ. Сир-асрорларини бажонидил ўргатаман. Халқимизда нақл бор-ку, "Карвон мингта — ризқи бўлак".

**Фарҳод НЕЪМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

НУҚТАИ НАЗАР

# ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИ истиқболни таъминлашнинг асосий шартидир



**Лазиз ХЎЖАҚУЛОВ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи**

**“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим тизимига жиддий эътибор қаратилган. Унда таълим соҳасининг ҳар бир жабҳаси инобатга олинган.**

Ўтган йили Тошкентда ЮНЕСКО ҳамкорлигида кичик ёшдаги болалар таълим-тарбияси бўйича ўтказилган жаҳон конференцияси натижасига кўра, Тошкент декларацияси қабул қилинганди. Декларацияда ўқув дастурлари ва педагогиканинг сифати ва долзарблигини ошириш, барча болалар учун тенг ва инклюзив таълим хизматларини таъминлаш, педагог кадрларни ривожлантириш, инновацияларни кенг жорий этиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби фундаментал омиллар мужассам. Ана шу вазифалар доирасида стратегияда 2030 йилга қадар мактабгача ёшдаги болалар 100 фоиз таълим билан қамраб олиниши кўзда тутилган.

Мактабгача таълим тизимида компьютер саводхонлиги йўлга қўйилиши бугунги кун зарурати. Шу боис, давлат мактабгача таълим муассасаларини 100 фоиз компьютер синфлар билан таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифадир. Зеро, глобал меҳнат бозорида компьютер саводхонлиги устувор аҳамият касб этиб бораётир. Болаларга кичик ёшиданоқ математика, чет тиллар билан бирга компьютер саводхонлигини ўргатиб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бусиз рақобатбардош авлодни шакллантириб бўлмайди.

Аксарият ҳудудларда тоза ичимлик сув муаммоси мавжудлигини инкор эта олмаймиз. Мактабгача таълим ташкилотлари тоза ичимлик сув билан таъминланиши болалар саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, соғлом болагина вақтини кўпроқ таълимга ажратади. Шунинг учун зиммамизда яна бир масъулиятли вазифа — мактабгача таълим ташкилотларини 100 фоиз тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш турибди. Шу вазифа умумий ўрта таълимга ҳам тааллуқли.

Шундай ҳудудларимиз борки, болалар мактабга 5-10 километр узоқдан қатнайди. Шу сабаб стратегияда белгиланган яна бир вазифа олис ва чекка ҳудудларда яшаётган болаларни мактабга бориши учун автобус, транспорт билан таъминлаш кўзда тутиляпти.

Таълим сифати ва мазмуни дарсликларнинг қай даражада замон талабига жавоб беришига боғлиқ. Шунинг учун стратегияда 700 га яқин янги дарслик, машқ дафтари, шунингдек, педагоглар учун методик қўлланмалар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бу, албатта, кўламли вазифа. Аммо унинг ижроси таъминланмаса, таълим сифатига салбий таъсир этиши турган гап.

2024 йил 1 январдан бошлаб давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига оқсил, витамин ва минераллар билан бойитилган сут, йод билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилиши белгиланган.

Хоразм вилоятининг Қўшкўпир ва Хонқа туманларида эксперимент тариқасида барча бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари билан таъминланиши кўзда тутиляпти. Мазкур тажриба келгусида барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилади.

Айни пайтда мингдан ортиқ янги авлод дарслиги асосида мультимедиа иловалар яратилиши зарур. Дарсликда белгиланган мавзуга алоқадор қўшимча аудио, видео, визуал маълумотлар, ўйин орқали машқларни бажариш имконияти яратилади. Мультимедиа илова дарсликни бойитиб, ўқитувчи 45 дақиқада етказа олмаган маълумотларни болаларга қулай равишда беради. Ҳозир болалар маълумотларни кўпроқ смартфон каби қурилмалардан олаётгани сир эмас. Бу анъанавий дарсликдан кўра болаларда ўқишга иштиёқни ошириши тажрибадан маълум бўлган. Бундан анъанавий дарсликка қўшимча равишда фойдаланилади.

Хорижлик олимлар ўтказган тадқиқотларда муайян она тилида гаплашадиган ўқитувчиларни мактабларга жалб қилишнинг ижобий жиҳатлари очиб берилган. Дейлик, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Австралия каби мамлакатлардан келган педагог ўша мамлакат тилини ўргатиши болаларга қўшимча руҳият бағишлайди. Шу йилдан бошлаб юртимизда ана шу механизм жорий қилинди. Ҳар йили умумтаълим мактабларига 500 нафар “тил эгаси”, яъни хорижий мутахассис дарс бериш учун жалб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг тил билиш даражасини сезиларли даражада оширади. Чунки ўқитувчи муайян тилда сўзлашса, ўқувчи у билан мулоқот қилиш учун унинг тилида гапиришга мажбур бўлади. Ҳар сафарги мулоқот тил ўрганиш қобилиятини оширади. Ҳозир чет тилни билмасдан туриб рақобатбардош авлодни шакллантириш имкони йўқ. Ўқувчилар чет тилни билиши қандайдир устунлик эмас, заруратдир.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларининг касб-ҳунар эгаси бўлиш истагидаги 10-синф ўқувчилари учун тегишли ҳудудларда талаб юқори касб-ҳунарларга ўргатиш курслари очилиши белгиланган. Бунда дастлабки босқичда ушбу тартиб зарур кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базасига эга бўлган ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан белгиланган умумий ўрта таълим муассасаларида жорий этилиши назарда тутилмоқда.

Барча битирувчилар олий таълим муассасаларида таҳсил олмаслиги мумкин. Касб-ҳунар эгаллаш истагидаги ёшлар талайгина. Жорий йилдан бошлаб тажрибасинов тариқасида 200 га яқин мактаб танлаб олинади. Ҳудудларда энг керакли, зарурат бўлган касб-ҳунарларни ўқитиш бошланади ва 2030 йилгача аста-секин барча мактаблар қамраб олинган ҳолда ҳар бир ўқувчи қайсидир касбнинг, бошланғич даражасида бўлса-да, эгаси бўлиб чиқади. Бу келажакда ўқувчининг меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишига хизмат қилади.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар умумий ўрта таълим муассасалари учун таянч мактаб этиб белгиланмоқда. Бунда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари таянч мактаблар томонидан янги таълим дастурлари, дарс ўтишнинг илғор методикалари ва ўқувчи билимини баҳолашнинг замонавий усулларига ўргатилиши кўзда тутилган. Албатта, бу илғор методикаларнинг жорий этилиши ҳар бир ўқувчининг сифатли таълимдан баҳраманд бўлишига имкон яратади.

Стратегияда педагог кадрларга эътибор, уларнинг салоҳиятини ошириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби вазифалар ҳам турибди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан биргаликда 2030 йилгача 1000 нафар тарбиячи ва ўқитувчини хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш масаласи кўзда тутиляпти. Албатта, таълим тизими ривожланган хорижий мамлакатларга бориб малака ошириб келган ўқитувчиларнинг ўқитиш тизимига ёндашуви ўзгаради. Бу ҳам зиммамиздаги муҳим вазифалардан саналади.

Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари умумий ўрта таълим педагоглари ойлиги икки баробар оширилади. Бу педагогларнинг ижтимоий ҳимоясини кўзлаб қилинаётган хайрли ишлардан.

Ҳар бир педагог мунтазам равишда ўз устида ишлаши керак. Шунинг учун 2030 йилгача ҳозир фаолият юритаётган 500 мингдан ортиқ тарбиячи ва педагогнинг малакасини узлуксиз равишда ошириш назарда тутилмоқда.

Баъзи ҳудудларда муайян фанлар бўйича ўқитувчилар етишмовчилиги бор. Буни манзилли ҳал қилиш учун талаб юқори бўлган педагогик йўналишларда олий таълим муассасаларида тўлиқ грант асосида ўқитиш механизми йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълимни ривожлантиришга фақатгина давлатнинг вазифаси деб қарашдан воз кечиш пайти келди. Нодавлат сектор учун зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим. Чунки нодавлат сектор янги ўқувчи ўринлари очиш, ноанъанавий, инновацион педагогик технологиялар ва методикаларни киритишда анча қўл келади. Шу боис, стратегияда нодавлат таълим муассасалари сонини уч баробардан кўпроққа ошириш белгиланган. Бунинг учун давлат бюджетидан келгуси беш йилда бир триллион сўм имтиёзли кредит ажратилиши режалаштирилган. Давлат хусусий-шериклик орқали 2024 йилдан бошлаб ҳар йили 100 та хусусий мактаб очилиши кўзда тутиляпти.

Хулоса шуки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим йўналишида белгиланган вазифаларнинг мукаммал ижроси миллат ва давлат келажагини таъминлашнинг муҳим шартидир.

**Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ёшлар салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.**



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ



**Муҳаммаджон ВАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси**

Стратегияда ёшларни замонавий касблар ва чет тилларга ўқитиш тизими яратилиши кўзда тутилган. Бу мақсадга эришиш учун ҳар бир вилоятда 1 тадан “Креатив парк” фаолиятини ташкил этиш, уларга йилига камида 40 минг ёшни жалб этиш вазифаси қўйилган. Мактаб битирувчилари камида 2 та хорижий тил ва 1 та касб эгаллашини таъминлаш белгиланган.

Ушбу йўналишда илмий ва инновацион фаолият, интеллектуал ўйинлар ҳамда чет тилларни ўрганишга жалб этиш орқали камида 2 миллион ёшнинг иқтидорини ривожлантириш каби мақсад ва марралар кўзланган. Ҳар йили 500 нафар истеъдодли ёшни хорижнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юбориш режалаштирилган. Бу йигит-қизларнинг жаҳон меҳнат бозорида талабгир кадрлар бўлиб етишишига замин ҳозирлайди.

Стратегияда 400 минг ёшнинг бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал этишга эришиш ҳамда ёшлар ишсизлиги даражасини 14 фоиздан 11 фоизга камайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Ҳужжатда ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун IT соҳасида 300 минг ёшни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Мактаб ўқувчилари халқаро IT бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўргатилади. “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенгайтириш ва ҳар йили энг иқтидорли 15 минг ёшни нуфузли халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш тизими йўлга қўйилиши юзасидан амалий чоралар белгиланган.

Келгусида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланадиган ёшлар сонини кўпайтириш, оммавий спорт қамровини кенгайтириш стратегиянинг асосий мақсадларидан. Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш орқали ёшлар қамровини 8 миллиондан ошириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун камида 5 мингта маҳаллада спорт майдончалари барпо этилиши назарда тутилган.

## Ёшлар таълими ва тадбиркорлик

Бугунги кунда билим олишга, замонавий касб-ҳунар эгаллашга, турли йўналишларда иқтидорини намоён этишга, тадбиркорлик қилишга яратилган шароитлар натижасида ёшлар кўплаб соҳаларда янги марраларни забт этмоқда.

Хусусан, ўқувчиларимиз ўтган йили халқаро фан олимпиадаларида 7 та олтин, 36 та кумуш ва 38 та бронза медални қўлга киритди.

Олий таълим тизимида ҳам ёшларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Олий таълим муассасалари сони салкам уч карра кўпайиб, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга етгани замонавий илм ва касб соҳаларини эгаллашда ёшлар учун янги имкониятлар очмоқда. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиши кутилмоқда. Таълим тизимидаги ислоҳотлар юртимизда Учинчи Ренессансга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш бугунги кунда устувор йўналишга айланди. Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёш кириб келмоқда, келгуси 10 йилда 1 миллионга етади.

Охирги уч йилда 250 минг ёшга 6 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди. Мамлакатимиз бўйича 210 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилди. Ўтган йили ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўмлик 2,5 мингта лойиҳа амалга оширилди. Натижада ёш тадбиркорлар сони 2 карра кўпайиб, 200 мингдан ошди. Ёшларга 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 мингининг бандлиги таъминланди. 32 мингдан зиёд ёшга субсидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютер олиб берилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинмоқда. Уларни касбий тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш дастурлари тасдиқланди ва амалга оширилмоқда.

## Ижтимоий қўллаб-қувватлаш

Ўтган давр мобайнида ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар қилинди. Хусусан, барча маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, бу вазифага интилувчан, ташкилотчилик қобилиятига эга, ташаббускор ёшлар саралаб олинди. “Ёшлар дафтари” тизими йўлга қўйилиб, сўнгги икки йилда 798 мингга яқин ёшга қарийб 1 триллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Ўтган йили 130 минг талабага 1 триллион 700 миллиард сўм таълим кредити берилди, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиши бепул бўлди. Эҳтиёжманд оилага мансуб 53 минг талабага ўқиш учун контракт пуллари, 15 мингдан зиёд ёшга ҳарбий хизмат ва 13 минг ёшга чет тиллар бўйича имтиҳон харажатлари тўлаб берилди. 81 минг талабага уй-жой ижараси тўлови ажратилди. “Ёшлар дафтари” орқали 300 минг ёшга қарийб 600 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бу соҳадаги ишларни янада аниқ ва манзилли ташкил этиш мақсадида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 9 миллион ўғил-қиз алоҳида эътиборга олинди. Бунда биринчи марта 25 та вазирлик ва идора маълумотлари ўзаро уйғунлашган электрон базага жамланди. Барча ёшларнинг ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқиши ўрганилиб, “маҳалладан вазирликкача” тизимида ишлаш чоралари белгилаб олинди.

2021 йилда 25 ёшгача бўлган ёшларни ишга олган корхоналарга ижтимоий солиқни қайтариб бериш амалиёти жорий қилинган эди. Ўтган даврда бундан 9 мингдан зиёд корхона фойдаланди ҳамда 100 минг ёшнинг бандлиги таъминланди. Бу ижобий тажриба муддатини яна икки йилга узайтириш бўйича кўрсатма берилди.

“Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари” жамғармаси ва электрон платформаси ташкил қилиниши белгиланди. Жамғармага 100 миллион доллар йўналтирилиб, бу маблағлар иқтидорли ёшларнинг энг яхши ғоя, стартап ва лойиҳаларига қулай ва енгил шартларда, зарур бўлса, фоизсиз ажратилади.

Давлат кўмагига муҳтож ёшлар ҳар бир вазир ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, ректорлар, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига номманом бириктирилди. Улар ўз ҳимоясидаги ёшларнинг касб-ҳунар ўрганишига, кредит, субсидия ва кафиллик олиш орқали бандлигига кўмаклашади.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ёшлар сиёсати халқаро умумэътироф этилган ҳуқуқ ва нормаларга ҳамоҳанг тарзда юритилмоқда. Зеро, ёшлар давлатимизнинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир.

МУНОСАБАТ

# “АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — 2030” МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ



**Елена БОРИСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси**

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, жумладан, бошқарувни такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришнинг келгуси истиқболларини белгилаш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласи давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.**

Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ аҳоли саломатлигини асраш, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш масаласини устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берди. Кейинги етти йилда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган катта ишлар қилинди.

Ўзбекистонда фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш — амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, илмий, тиббий характерга эга чора-тадбирлар мажмуига айланди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бунинг ёрқин далилидир.

Моҳиятан, бу — аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш архитектураси пойдеворини мустаҳкамлашдаги янги қадам. Айнан шу мақсад ҳужжат муқаддимасида келтирилади. Жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини яхшилаш ва давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифалари аниқ кўрсатилган.

Фармоннинг биринчи хатбошисидаёқ Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш марказини Соғлиқни сақлаш ва стратегик ривожланиш институтига айлантириш ҳақида айтилган. “Стратегик ривожланиш” тушунчасининг ўзи эса вазиятнинг ва устувор мақсадлар чуқур таҳлилига асосланган пухта ўйланган ёндашувни назарда тутади. Бу қайси йўналишда ҳаракат қилиш муҳимлигини, нималарни тузатиш лозимлигини англаш ва эски ёндашувларни қайта кўриб чиқиш имконини беради. Айниқса, энг муҳим қадрият — инсон саломатлиги ва ҳаёти ҳақида гап кетганда, бу алоҳида аҳамият касб этади.

Соғлиқни сақлаш ва стратегик ривожланиш институтининг асосий вазифалари этиб соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш дастурларини, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ёмон одатларга қарши курашиш, аҳолининг барқарор тиббий маданиятини шакллантириш, илғор ва мақбул хорижий тажрибага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ўрта ва узоқ муддатли сценарийлар ва стратегиялар бўйича илмий асосланган таклифлар, тиббий статистикани шакллантириш ва юритиш, статистик кўрсаткичларни шакллантиришда халқаро стандартлар ва усулларни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш каби қатор масалалар белгиланди.

Бу соҳада ўнлаб йиллик тажрибага эга инсон сифатида ишонч билан таъкидлайманки, бундай кўламли вазифалар ҳеч



қачон Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмалари олдига қўйилмаган. Замонавий дунё белгилаган вазифалар ва муаммоларни ҳисобга олган ҳолда бутун тизимни ўзгартириш босқичма-босқич амалга оширилади.

Фармонга мувофиқ, 2024-2026 йилларга мўлжалланган Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланишни тизимли тарғиб қилиш ва оммалаштириш дастури ҳамда “Аҳоли саломатлиги — 2030” Миллий стратегияси ишлаб чиқилади. Бошқача айтганда, келгуси йиллар учун одамлар саломатлиги ва ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган устувор вазифалар аниқ белгиланмоқда. 2026 йил охирига бориб, мамлакат бўйлаб тиббий суғурта аҳоли кенг қатламларининг юқори малакали тиббий хизматлардан фойдаланишида энг муҳим кафолатлардан бири сифатида жорий этилади.

Ҳужжатда, шунингдек, тиббий-санитария хизматининг бирламчи бўғимлари максимал қамрови билан аҳолига яқинроқ бўлиши айтилган. Унда соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, қоғоз ҳужжатлар, асоссиз бюрократия ва навбатларни йўқ қилиш, аҳолига тиббий муассасаларга мурожаат қилишда қулайликлар яратиш кўзда тутилган.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш агентлигини Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибига ўтказиш механизмини ҳам жуда муҳим, деб биламиз. Бу умумэътироф этилган тиббиёт стандартлари ва мамлакат аҳолиси саломатлигига хавфсиз ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, фармацевтика саноати фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш имконини беради.

Президентимиз фармонида жаҳон амалиётининг энг илғор тажрибалари ўз аксини топди. Шу нуқтаи назардан, 2024 йил 1 январдан бошлаб Онкогематологик ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган шахслар соғлиғини тиклашга кўмаклашиш, Шошилинч тиббий ёрдамни ривожлантириш, Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ва жалб қилиш, Умуртқа мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш фондини бирлаштириш орқали Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс мақомисиз Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаларини шакллантириш каби қадамларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жамғарма маблағлари манбалари белгиланиши ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, орқа мия мушаклари атрофияси ташхиси қўйилган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори-дармонларни бепул етказиб бериш харажатлари учун ҳар йили давлат бюджетидан 350 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси миллий соғлиқни сақлаш хизмати учун муҳим бўлган ушбу ҳужжат амалда самарали ишлаш йўлида ижро механизмларини ишлаб чиқишга киришди. Унда белгиланган мақсадлар, шубҳасиз, Парламентнинг кейинги қонунчилик фаолиятида тўлиқ акс этади.

Ишончим комилки, талаб этилган натижаларга парламент тузилмалари, давлат ҳокимияти органлари ва умуман, жамиятнинг саъй-ҳаракатлари жамланган тақдирдагина эришиш мумкин. Шу билан бирга, белгиланган вазифаларнинг стратегик моҳиятини ва барча даражадаги умумий ёндашувлар ва устувор вазифаларни тушуниш катта аҳамият касб этади. Зеро, мамлакат келажаги, салоҳияти, унинг янада гуллаб-яшнаши айнан миллат саломатлигига боғлиқ.






МУТОЛАА

# Мендан қоладиган олтин, кумушни

## МЕНДАН ҚОЛАДИГАН СЎЗЛАРИМГА ТЕНГЛАМА



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

**Юсуф Хос Ҳожибнинг туркий адабиётнинг нодир намунаси ҳисобланган “Қутадғу билиг” асарига бағишланган тадқиқот китобни ўқиш китоблар ҳақидаги тасаввуримни янада тиниқлаштирди. 1069-1070 йилларда яратилган ва “Адаб ул-мулук” (“Ҳукмдорлар одоби”), “Ойин ул-мамлакат” (“Ҳукмдорлик қонун-қоидалари”), “Зийнат ул-умаро” (“Ҳукмдорлар зийнати”) номи билан машҳур “Қутадғу билиг”да муаллиф “қорахонийлар давлати ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Тавғачхон билан Элоқхон ўртасидаги ихтилофни бартараф этиш, инсонларнинг яхши хулқ-одобини тарғиб қилиш каби эзгу мақсадларни ўз олдига қўяди. Етук файласуф, илм ва маърифат ҳомийси, осмон жисмларини кенг ўрганган олим сифатида комил инсон қандай бўлиши, юксак инсоний фазилатларга эришиш йўллари, мансабдорлар турмуш тарзи, одоб-ахлоқи, давлат ва жамият манфаатларига муносабати қай тартибда шаклланиши хусусида фикр юритади. У оддий одамлар ҳаётини яхши билгани, “юқори” ва “паст” табақа ўртасидаги тафовут ва унинг сабабларини тасаввур қилгани боис, ўзи қаламга олаётган замон муаммолари ва уларнинг ечими билан боғлиқ қарашларини эркин баён қилади.**

Тадқиқотчилар “Қутадғу билиг”нинг бадиий савиясини юқори баҳолашади. Воқеалардаги ҳаётийлик, давр манзаралари ва шоир хаёли ўзаро уйғунлигини эътироф этишади. “Тасвирлар ёрқин, тили ширали ва таъсирчан. Асардаги кўп байтлар ҳикматли сўз (афоризм) даражасига кўтарилган. Унда юрт эгалари бўлмиш ҳукмдорлар ва юқори мартабали амалдорларга мамлакатни адолат байроғи остида бошқариш, халққа зулм қилмаслик, аксинча, унинг ҳаётий муаммоларини енгиллаштириш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий илдизларини мустаҳкамлаш, илм-маърифатга доимий равишда эътибор бериш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлашга доир муҳим маслаҳат ва тавсиялар берилган”.

Муҳим жиҳати, юқорида келтирилган уч вазифа — бугунги кунимизнинг ҳам бош вазифаси. Уларга амал қилмаган, яъни маънавий илдизлари сақлаб қолинмаган, илмга эътибор сусайган, истеъдодлилар учун зарур имтиёзлар яратилмаган жамият тараққиёт йўлига ўта олмайди. Бундан англашиладиган хулоса шуки, мағзи тўқ, фикри тиниқ, халқ ҳаётига яқин асарларнинг умри узоқ бўлади.

“Қутадғу билиг” сўзлиги” 2020 йили “Академнашр” нашриётида чоп этилган. Тузувчи Қосимжон Содиқов. Мен бир муддат аввал ушбу заҳматкаш олимнинг бадиий асарларда тарихий воқеаларни акс эттиришнинг ўзига хос “қоида”лари хусусидаги йирик тадқиқот мақоласини ўқиб, ундан китобхон, муҳаррир сифатида кўп нарса олган эдим. Шу боис, “Қутадғу билиг” сўзлиги” мутолаасига жиддий киришдим.

Китобнинг дастлабки саҳифасида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: “Улуғ адиб ва мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида “Бу туркча сўзни тоғ кийигидек кўрдим”, деб ёзган эди. Китоб муаллифи ўз маснавийсини битар экан, ижодий маҳорати, ўткир тил билимини ишга солган. Ҳайратланарлиси шундаки, эски туркий тил луғати таркибидаги сўзларнинг киши ўй-хаёлига келмаган, бошқа ёзма ёдгорликларда учрайвермайдиган инжа маъноларини ҳам “Қутадғу билиг”дан топамиз. Матннинг ичига чуқур кириб борганингиз сари сўзларнинг янги-янги маънолари очилаверади”.

Шу қисқа маълумотнинг ўзиёқ ўқувчи эътиборини тортади. “Кириш” қисмида билдирилган фикрлар эса хаёлингизни бутунлай банд этади:

*“Асарнинг уч йирик қўлёзмаси маълум.*

*Ҳирот (Вена) қўлёзмаси уйғур ёзувида бўлиб, уни 843 ҳижрий (1439 милодий) йили Ҳиротда Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган. Қўлёзма Венада сақланади.*

*Наманган (Фарғона) қўлёзмаси. Тахминан XIII асрда араб хатида кўчирилган. ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади.*

*Қоҳира қўлёзмаси. Араб ёзувида. Тахминларга кўра, XIV асрда кўчирилган. Миср Миллий кутубхонасида сақланади”.*

Бу муҳим маълумотлардан хабардор бўлишингиз биланоқ бундан ҳам муҳимларига дуч келасиз:

“Мавжуд нусхаларнинг ҳеч бири тўлиқ эмас. Бир нусхадаги боб бошқасида тушиб қолган ёки айримлари бирлаштириб юборилган. Байтларнинг сони кўп ўринда ўзаро тенг келмайди, бир нусхадаги байт бошқасида учрамайди. Қўлёзмалар ичида нисбатан тўлиғи Наманган нусхаси бўлиб, у 6106 байтлидир”. Шундан келиб чиқиб, сўзлик тузувчиси энг машаққатли, аммо ягона тўғри йўлни танлайди. “Асарнинг муайян нусхаси устида ишлаганда, баъзан асл мазмунни очиб бериш қийин кечади. Бундай ҳолларда мавжуд бошқа нусхаларни чоғиштириб ўрганиш қўл келади. Уларни ўзаро солиштирганда уни кўчириш чоғида (турли сабабларга кўра) йўл қўйилган чалкашликларни аниқлаш мумкин бўлади”, деб ёзади олим ва бунга бир неча мисол келтиради:

*“Асарнинг эзгу ишларни қилмоқликка даъват этувчи тўққизинчи бобида (Наманган нусхасида) тил ва сўз таърифида келтирилган байтнинг маъноси қуйидагича:*

*Уқувнинг кўрки сўздир,*
*Бу тилнинг кўрки — сўз.*
*Кишининг кўрки юздир,*
*Бу юзнинг кўрки — кўз”.*

Сўзлик тузувчиси биринчи сатрдаги маъно ғализлигига эътибор беради ва асарнинг Ҳирот нусхасида бу байт маъно жиҳатидан тўғри кўчирилганини аниқлайди:

*Уқувнинг кўрки* ***тилдир,***
*Бу тилнинг кўрки — сўз.*
*Кишининг кўрки юздир,*
*Бу юзнинг кўрки — кўз”.*




Заҳматли солиштирув меҳнатининг яна бир самараси: *“Асарнинг ўн биринчи бобида (Наманган нусхасида) Юсуф Хос Ҳожибнинг ёши билан боғлиқ муҳим маълумот бор:*

*Эллик ёшим менга қўл тегурди,*
*Қора қузғун тусидек*
*бошимни оқ(қуш) қилди,*
*Соч-соқолим оқарди.*
*Эллик (ёш) энди мен томон кел,*
*деб чорламоқда.*
*Пистирма (ўлим) бўлмаса,*
*энди нари бораман”.*

Эътиборли ўқувчи бу ерда “эллик” сўзи икки марта келгани ва маъно бузилганини сезади, албатта. Тадқиқотчи асарнинг Ҳирот нусхасини кўриб, хаттот хатосини топади:

*Энди* ***олтмиш*** *(ёш) менга кел,*
*деб чорламоқда,*
*Йўлда пистирма (ўлим) чиқмаса,*
*у томон бораман.*

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Гап хато ва чалкашликларнинг оз ёки кўплигида эмас. Тарихий қўлёзмаларни тўғри ўқиш, кўчириш, улуғ алломаларнинг фикрини келажак авлодларга бехато етказишда! Таассуфки, бу борада мақтовга сазовор, хотиржам бўлишга арзирли ишларимиз жуда кам. Улуғ устоз Алибек Рустамийдан илмий сабоқ олган икки шогирд —Қосимжон Содиқов, Абдулла Аъзамовнинг саъй-ҳаракатлари, яна бир заҳматкаш олим Ваҳоб Раҳмоновнинг бу мавзуга бағишланган “Мумтоз сўз баҳси” китоби, ҳазрат Навоийнинг кейинги йилларда чоп этилаётган асарларида ҳам хатоликлар ўтаётгани тўғрисидаги куйинишлари, Нусратулла Жумахўжа, Зуҳриддин Исомиддинов, Султонмурод Олим ва бошқа қатор тадқиқотчиларнинг туркум мақолалари муаммони тўла ҳал этишга етарлимикин? Ваҳоб Раҳмонов (ўз вақтида устоз Исматулла Абдуллаев ҳам) матншуносликда тадқиқотчи қўлёзмани тўғри ўқий олиши, дин тарихини яхши билиши, матн мазмунига эътибор бериши, бадиий санъатлардан хабардор бўлиши, сўз маъноларини тўғри изоҳлаши зарурлигини таъкидлайди. Бундай бўлмаса, қўпол, баъзан кулгили, кўнгилни ғаш қиладиган, муаллифлар руҳини чирқиратадиган хатолар китобдан китобга кўчиб ўтаверади. “Сўз ғалат, имло ғалат, луғат ғалат, маъно ғалат” бўлади.




Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” асарида бундай байт келади:

*Нафсинг этса шўхлуғ,*
*чарх эмгакидин қил адаб,*
*Тифлни андоққи зажр айлар*
***фалак*** *бирла адиб.*

Ваҳоб Раҳмонов ноширлар болаларни жазоловчи **фалақ** сўзини осмон маъносидаги фалак деб ўқиб, қўпол хатога йўл қўйганини аниқлайди. Бир ғазалда чўчитмоқ маъносидаги “ҳуркутмак” сўзи иккига бўлиниб, “ҳур кутмак” шаклида берилганини ҳажв остига олади.

“Мумтоз сўз баҳси”да юздан ортиқ бундай “фаромуш”лик келтирилган. Ўқувчи сифатида мени бошни ортиқча қотирмай, кўз нурини асраб, умумий мулоҳазалар асосида юзаки тадқиқотлар эълон қилаётган-у, битта қўлёзма устида йиллаб тер тўкадиган олимлар, битта сўз ёки ибора маъносини ойлаб қидирадиган мозийшунослар, оддий тиниш белгиси устида муаллиф билан “жанг” қилаётган ва бу инжиқликдан ҳаловат топадиган “эски” ноширлар ўртасидаги китоб деб аталмиш буюк ихтирога нисбатан муносабат бугун кимнинг фойдасига-ю, орадан яна ўн, йигирма, эллик йил ўтганидан кейин қандай бўлади — шу қизиқтиради?

Қ.Содиқов қадимий ёзма ёдгорликлар бўйича тузилган замонавий луғатларнинг илмий жиҳатдан етакчиси, яъни нисбатан тўлиғи саналган “Древнетюркский словарь”да 20 мингга яқин сўз ва турғун бирикма, атоқли от, жуғрофий ва этник ном жамланганини таъкидлар экан, ушбу луғатнинг катта қисми “Қутадғу билиг”дан олинганини, демакки, айрим тадқиқотчиларнинг Юсуф Хос Ҳожиб асари сўзлари 2500-4500 сўздан иборат, деган фикри ҳақиқатдан узоқлигини асослайди.

Китобхонликнинг ҳам ўзига яраша жиҳатлари бор. Янги асарни унда тасвирланган воқеалар ривожи (якуни), қаҳрамонлар тақдири нуқтаи назаридан ўқийдиганлар кўпчиликни ташкил этади. Бунга эътирозим йўқ. Мен муаллифнинг бадиий ифода маҳорати, ноёб сўз ва ибoралардан фойдаланиши, таъсирчан ташбеҳлар, узукка кўз қўйишдек ўрнига тушган қиёсларга кўпроқ қизиқаман. Шу боис, китобларни ёнимга кундалик дафтаримни қўйиб ўқийман. Асарнинг сўнгги саҳифасига етганимда унинг беш, ўн, баъзида бундан ҳам ортиқ саҳифалари турли ёзувлар, кўчирма ва ноёб фактлар билан тўлган бўлади. Ато Малик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” китобидан ўттиз, файласуф Ошонинг “Сир”, “Ижод” асарларидан йигирма саҳифа “конспект” олдим. “Қутадғу билиг” сўзлиги”ни ўқиб, бу нодир хазинадан ҳам кўп нарсалар олдим, улуғ устознинг мақсад-муддаосини (демоқчи бўлганини) тушунишга ҳаракат қилдим. Уларнинг айримларини ҳурматли газетхонлар билан баҳам кўрмоқчиман.

*Бу дунё шўр сув кабидир, қанча ичма,*
*чанқоғинг қонмайди.*
*Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам*
*вақт ўтиши билан улғаяди.*
*Оққа қора тез юқади.*
*Ошпазнинг кимлигини билиш ошни*
*иштаҳа билан ейишдан кўра муҳим.*
*Тилинг билан сўзла, аммо дилингдан сўзла.*
*Дунё ҳаммани қаритади,*
*аммо ўзи қаримайди.*
*Фаросатсиз киши тарбияли кишини кўрса,*
*кўнгли айнийди.*
*Беҳуда сўз олов сингари куйдириши мумкин,*
*уни оғзингдан чиқарма.*
*Қадр-қиммат истасанг, ўзгаларни қадрла.*
*Уй олмоқчи бўлсанг, қўшнини суриштир,*
*ер олмоқчи бўлсанг, сувига қизиқ.*
*Бекнинг ҳам, қулнинг ҳам отидан из қолади.*
*Мол-мулк кўпайса, ўғил отасига*
*насиҳат қилади.*
*Суқ котиб олтин ёки кумушни кўрса,*
*хожасининг бошини олиш пайига тушади.*
*Мендан қоладиган олтин, кумушни*
*мендан қоладиган сўзларимга тенглама.*
*Миннатли зиёфат кўнгилни яралайди.*
*Учар қушдек арғумоқни (йигитлигингни)*
*тузоғингдан қочирма.*
*Тил ҳовлида хожасини пойлаб ётган*
*арслон кабидир.*
*Ҳисоб бузилса, дунё,*
*охират ишлари ҳам бузилади.*
*Эл бузилса, уни беклар тузатади,*
*беклар бузилса, уларни ким тузатади?*
*Сен қилиғингни тузат, феълингни ўнгла, шундай қилсанг халқ тузалиб, феъли ўзгаради.*
*Котиб (хаттот) ичкилик ичса чалғийди,*
*хато қилади.*
*Азған (тиконли бута) фойдали бўлса,*
*мен унинг қулиман.*
*Бошқаларнинг айбини кўришдан*
*аввал ўзингга қара.*
*Тийиқсиз тил сени қисқа ёшли қилади.*
*Кўзи суқ киши қашшоқ бўлса, уни бу дунёнинг жамики тўқликлари ҳам бой қила олмайди.*
*Қилич билан элни босиб олса бўлади, қалам бўлмаса, қўл кучи билан элни бошқариб бўлмайди.*
*Ишончсиз кишиларни бег (сарой)*
*хизматидан узоқлаштириш керак.*
*Қўнғир ер тагидаги олтин — (шунчаки) тош, қазиб чиқарилсагина қийматга эга бўлади.*
*Киримга чиқимни монанд қил.*
*Чивин филнинг (қўрқинчли) душмани, чақиб ёмон ҳуркитади. Ҳурккан филга ҳеч нима бас кела олмайди.*
*Кўнгил етти андом,*
*етти мучa устидан бегдир.*
*Уқувсиз, идроксиз киши —*
*бир ҳовуч арзимас нарса.*
*Йил-ой-кун ўтганидек,*
*тириклик ҳам ўтади.*
*Эй, уйқули жон, уйғон, йиғла, тинма.*
*Сирли, нозик сўзларнинг маъносини*
*уқайин десанг, уларни шоирлардан эшит.*
*Халқумни поклаш керак, эй, хулқи гўзал.*
*Шоирлар кўнгиллари билан денгизга кирадилар (шўнғийдилар), у ердан мисли гавҳар, инжу, ёқут олиб чиқадилар.*
*Дард, касаллик гуноҳларни ювиш учун*
*бериладиган каффоратдир.*
*(Бу дунёга) яланғоч келган эдим,*
*ерга яланғоч киришим аниқ.*
*Сўраганда сўзла, чақирганда кир (бор).*
*Ўлим сени бу дунёдан у дунёга*
*олиб ўтувчи (кўчирувчи).*
*Сўқир йўлдан адашса, уни сўкма.*
*Ким сўзидан қайтса,*
*ундан қут-барака қочади.*
*Дунё вақтинча тунаш манзили, буни унутма.*
*Қилич ва қалам оламнинг тутруғи (таянчи, мояси)дир. Ўтиб кетган ва қаршидан келувчи ишлар учун ҳам.*
*Ҳисоб бериш чоғида бошлиқлар ўлади*
*(қийналади, ёмон аҳволга тушади).*
*Бадхулқ кишининг дарди оғир бўлади.*
*Яхши хулқли инсонларнинг камайиши —*
*энг ёмон қимматчилик.*
*Дунё шундайки, қай бир қуш парвоз қилаётганда қай бири қўниш ҳаракатида бўлади.*
*Дунёдаги жамики фисқу фасод*
*ғийбатдан чиқади.*

“Қутадғу билиг” сўзлиги” каби ўқишимиз ва уқишимиз, сарфланган меҳнатнинг қадрига етишимиз зарур бўлган илмий-тадқиқот китоблар кўп. Улар ақл-идроки ва куч-ғайратини улуғ аждодлардан бизгача етиб келган маънавий меросни ўрганишга бағишлаган фидойиларнинг узоқ йиллик заҳматли меҳнати мевасидир. Бу мева китобхон билан бирга, жамиятни ҳам саодат соҳилларига етаклайди.

ИЗҲОР

## БИР МУШТ БЎЛИБ БИРЛАШГАНИМ...



**Зикрилла НЕЪМАТ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**“Дўстлик” ордени соҳиби**

Бир қўлнинг беш бармоғидай
ҳар беш миллат —
Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркманимсиз.
Бир чинорнинг беш шохидай
беш дўст миллат,
Фахр этурман сиз-ла, чунки сиз манимсиз.

Ўтмишда ҳам бир-бирларин суйиб, қучиб,
Мулки Турон ичра ўту қонлар кечиб,
Беш дарёдек бир уммоннинг сувин ичиб,
Бир ҳаводан нафас олиб юрганимсиз.

Гоҳ алданиб ёвузларнинг ҳийласига,
Гоҳо путур етиб дўстлик қалъасига,
Гоҳ айланиб ғанимларнинг ўлжасига,
Не-не жабру ситамларни кўрганимсиз.

Енгилмассиз бир мушт бўлиб бирлашсангиз,
Аму-ю Сир, Зарафшондек сирлашсангиз,
Миш-мишларга энди парво қилмай ҳаргиз,
Олам аро Тинчлик деб бонг урганимсиз.

Навоийу Жомий бобом руҳин шодлаб,
Махтумқулидек оға-инин ардоқлаб,
Абай каби дўсту қардошликни ёқлаб,
Чингиз Айтмат сўзин айтиб турганимсиз.

Таъзим айлаб кўҳна Турон тупроғига,
Лабни босиб Истиқлолнинг байроғига,
Бобомерос кўҳна замин чорбоғига —
Мангу дўстлик қўрғонини курганимсиз.

Ўртамизда ғов-тўсиқлар йўқдир энди,
Сарҳадлар тинч, кўнгиллар ҳам тўқдир энди,
Қўшиқлару ўланлар ҳам шўхдир энди,
Дийдорлашиб бирга хандон урганимсиз.

Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркманимсиз,
Бирга-бирга даврy даврон сурганимсиз.
Дўстим, оғам, рафиқим ҳам бовурим деб,
Нурли манзилларга йўлни бурганимсиз.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-946.
43555 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 03:35 Топширилди — 04:25